138

АМАЛИЙ ИШГА, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 138 (12.491)

Жума, 14 июнь 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Ўзбекистон хотин-қизлари III съезди ўз ишини тамомлади. Съезд қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга табрик хати юбордилар ва республикамиздаги барча хотин-қизларга мурожаат қабул қилдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Никита Сергеевич ХРУШЧЕВга

Биз, республика хотин-қизлари III съездининг қатнашчилари серқуёш Ўзбекистоннинг миллионларча хотин-қизлари номидан партия ленинчи Марказий Комитетига ва қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев, шахсан Сизга чин кўнгилдан энг алангали саломимизни йўллаймиз.

Биз самимий салом сўзлари билан бирга, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳақида кўрсатилаётган жуда катта меҳрибонлик учун партияга ўзимизнинг зўр миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз ўз озод, бахтиёр ҳаётимиз учун жонажон Коммунистик партиядан, улуғ Лениндан миннатдормиз. Коммунистик партия, улуғ Ленин Шарқнинг асир ва мазлум хотин-қизларини ичкари зулматидан озод қилиб, уларни паранжи, чачвондан халос қилдилар, уларга ҳамма ҳуқуқларни бердилар, ёруғлик йўлини, бахт-саодат йўлини кенг очиб бердилар.

Биз мислсиз ажойиб замонда яшамоқдамиз. Бутун бепоён мамлакатимизнинг ҳамма жойида яратувчилик завқ-шавқи жўш урмоқда. Кишиларнинг ҳар кунги меҳнати улуғ ишларни яратмоқда — коммунизмнинг моддий-техника базаси вужудга келтирилмоқда, коммунистик ижтимоий муносабатлар шаклланмоқда, янги инсон тарбияланмоқда.

Миллионларча совет хотин-қизлари ака-укалари, эрлари, оталари билан елкама-елка туриб, қўлиқўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Улар коммунистик қурилиш ишига, партия XXII съезди ва партия Программаси қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бутун мамлакатимиз хотин-қизлари сингари республикамиз хотин-қизлари ҳам коммунистик қурилишда актив иштирок этишни ўз ҳаётларининг асоси деб биладилар. Улар жамият фойдасига, ажойиб порлоқ келажак йўлидаги яратувчилик меҳнатини ўз ҳаётларининг мазмуни, жуда катта қувонч ва илҳом манбаи деб биладилар.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг «оқ олтин» конидир. Республика пахтакорлари етти йилликнинг бешинчи йилида мислсиз ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, ўз фидокорона меҳнатлари билан ноқулай об-ҳаво шароити қийинчиликларини бартараф этиб, стихияга қарши чинакам жанг олиб бормоқдалар. Республика пахтакорлари бу йил жонажон Ватанга Ўзбекистоннинг 3 миллион 566 минг тонна пахтасини етказиб беришдан иборат ватанпарварлик, интернационал бурчларини бажаришга астойдил аҳд қилгандирлар.

Республикамиз колхоз ва совхоз далаларининг меҳнаткашлари фидокорона меҳнат, катъият ва жасорат намуналарини кўрсатиб, пахтачиликни янада юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Пахтакорлар ҳақида, биз хотин-қизлар тўғрисида кўрсатилаётган ғоят катта меҳрибонлик учун жонажон Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан, азиз Никита Сергеевич Хрушчев, шахсан Сиздан чексиз миннатдормиз. Бу меҳрибонликни биз ҳар бир қадамда: пахтачиликни комплекс механизациялаш сари қатъий йўл тутилганлигида ҳам, янги заводлар, сув омборлари қурилаётганлигида ҳам, қўриқ ерларнинг жуда катта массивлари ўзлаштирилаётганлигида ҳам, пахта нархларининг оширилганлигида ҳам кўриб турибмиз. Кун сайин қилинаётган оталарча меҳрибонлик бизларга янги куч ва ғайрат бағишламоқда, янада яхшироқ ишлаш иштиёқини кучайтирмоқда.

Съезд арафасида республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пилла сотиш йиллик планини ва социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарганлиги муносабати билан партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг самимий табрикномасини олганлиги биз учун жуда катта қувонч бўлди. Бу муваффақият ўз-ўзидан келгани йўқ. Бу — пиллачиларнинг асосий армияси бўлган юз мингларча хотин-қиз колхозчи ва совхоз ишчилари қаттиқ фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Биз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табрикномасини қилган ишларимизга берилган юксак баҳогина деб эмас, балки партиянинг ва бутун халқнинг янада яхшироқ, янада руҳланиб ишлаш учун берган накази, деб кутиб олдик.

Биз, Ўзбекистон меҳнаткаш хотин-қизлари номидан Марказий Комитетни ишонтириб айтамизки, комплекс механизациялаш ва далаларда юксак агротехникани жорий қилиш асосида, заводлар, фабрикалар ва қурилишларда техника тараққиётини янада кўпроқ жорий қилиш асосида республика олдига қўйилган вазифаларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун бутун кучимизни, ўзимизнинг бутун билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз. Бу эса коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга биз қўшган ҳисса бўлади.

КПСС янги Программасида фан ва маданиятни янада ривожлантириш, янги одамни тарбиялаб етиштириш соҳасида катта вазифалар қўйилган. Ўзбекистон хотин-қизлари ўзларининг бутун ғайратларини ана шу улуғвор режаларни амалга оширишга сарфлайдилар, ўтмиш қарғишларига қарши қўрмайтолмай кураш олиб борадилар, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси ҳар бир кишининг ҳаёт қонуни бўлиб қолишига эришадилар.

Бизнинг мамлакатимиз — тинчлик учун кураш байроқдоридир. Мамлакатимизни содиқ ленинчи, ер юзида тинчлик ва бахт-саодат учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев олга бошлаб бормоқда.

Бутун дунё хотин-қизлари сингари биздар ҳам урушга нафрат билан қараймиз. Биз ишонамизки, бутун дунё хотин-қизларининг Москвада бўладиган Халқаро конгресси урушни яна ва яна бир марта рад этади.

Биз бундан буён ҳам бутун дунёда тинчлик ва бахт-саодат учун кураш олиб борамиз, ўз меҳнатимиз билан севикли Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлай берамиз.

Биз қардош республикалардаги дугоналаримиз билан биргаликда халқлар ўртасидаги дўстликни тинмай ривожлантирамиз ва мустаҳкамлай берамиз. Ўзимизнинг бутун куч ва ғайратимизни партиянинг улуғ режаларини, КПСС Программасини амалга ошириш учун бағишлаймиз. КПСС Программасини ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилади.

Халқлар дўстлиги ва бахт-саодатининг таянчи — улуғ Ватанимизга шон-шарафлар!

Совет халқининг коммунизм сари порлоқ йўлида эришаётган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Коммунистик партияга шон-шарафлар!

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ.

БИЗ КОММУНИЗМ ҚУРАМИЗ, БИЗ КОММУНИЗМ ДАВРИДА ЯШАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли дугоналар!

Биз улуғ бахтга — кўплаб авлодларнинг инсоният баҳори — коммунистик жамият тўғрисидаги асрий орзуси амалга ошаётган даврда яшаш ва меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлдик.

Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида КПСС XXII съезди ўз ишини олиб борган кунлар хотирамиздан асло кўтарилмайди. Съезд **«Биз коммунизм қурамиз, биз коммунизм даврида яшаймиз»** деган эзгу сўзларни эълон қилди. Партия Программаси—замонамизнинг бу чинакам коммунистик манифести бизнинг йўлчи юлдузимиз, бизнинг компасимиз бўлиб қолди. Биз ўз одимимизни шунга қараб ташламоқдамиз, яшаш ва меҳнат қилишни шунга қараб ўрганмоқдамиз.

Партия бизга коммунизм меҳнат билан, фақат миллионларнинг меҳнати билан қурилади деб таълим бермоқда. Меҳнат зафаларимиз туфайли улуғ мақсад рўёбга чиқарилмоқда: коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилмоқда, коммунистик ижтимоий муносабатлар шаклланмоқда, янги инсон тарбияланмоқда. Улуғ мақсад учун актив курашчи бўлиш—бутун инсоннятга ёрқин келажак сари биринчи бўлиб йўл очиб берувчи бўлиш катта бахтдир.

Эркаклар билан бир қаторда ана шу бахтга муяссар бўлганлигимиз, бутун халқ билан бир сафда шонли ғалабалар йўлидан бораётганлигимиз билан фахрланамиз.

Хотин-қизлар асрлар давомида қашшоқлик ва ҳуқуқсизликда ҳаёт кечирди, қолоқлик ва ҳўрлик уларнинг тақдири эди. Лекин уларнинг ўз озодликларига бўлган умиди ҳеч качон сўнган эмас. Хотин-қизларни озодликка чиқариш ва тенг ҳуқуқли қилиш кўп авлодлар илғор кишиларининг порлоқ орзуси эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли бу орзу рўёбга чиқди. Октябрь социалистик революцияси инсоннят тарихида янги давр очди ва иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда оилавий ҳаётда хотин-қизларнинг эмалда эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишига асос солди.

Биз ўзимизнинг бутун бахтли ҳаётимиз учун улуғ партиядан, Совет ҳокимиятидан миннатдормиз. Коммунистик партия ўз кучимизга ишонч бахш этди, ғайратимизни оширди, қаҳрамонликларга руҳлантирди. Коммунистик партия бизни коммунизмнинг мағрур, онгли қурувчилари қилиб тарбиялади.

Буларнинг ҳаммаси учун коммунистларнинг улуғ партиясидан — абадий барҳаёт Ленин партиясидан ҳамиша миннатдормиз.

Қадрли ўртоқлар!

Ҳар куни коммунистик қурилишнинг барча фронтларида қўлга киритилаётган меҳнат ғалабалари тўғрисида қувончли хабарлар келмоқда. Ҳозир барча совет кишилари ягона бир мақсад, ягона бир фикр—ўзларининг бутун кучларини, бутун ғайратларини ва билимларини коммунизм қуриш ишига сарфлаш мақсади ва фикри билан яшамоқдалар.

Қадрли дугоналар, сиз билан бизнинг ўрнимиз ҳам коммунизм қурувчиларининг олдинги сафида, коммунистик қурилишнинг муваффақияти ҳал этилаётган заробор участкаларидир. Шундай меҳнат қилайликки, халқ биз билан янада кўпроқ фахрласин, коммунизм қурувчиси деган улуғ номга муносиб меҳнат қилайлик.

Республика саноати, транспорти ва алоқа корхоналарининг хотин-қиз ишчилари, инженерлари ва техниклари, биз сизларга мурожаат қиламиз! Сизлар коммунизм моддий-техника базасини барпо этишнинг олдинги марраларида ишламоқдасиз. Сизнинг олтин қўлларингиз янги машиналар яратмоқда, мукаммал станокларни бошқармоқда, янги уйлар бунёдга келтирмоқда. Партия ва халқ меҳнатингизга юксак баҳо бермоқдалар. Кўплаб хотин-қизлар — ишлаб чиқариш илғорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонини олишга сазовор бўлганлиги, Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланганлиги бунинг далилидир.

Бундан буён ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун қатъий кураш олиб борингиз. Коммунистик меҳнат ҳаракатида актив иштирок этингиз, илғор тажриба, фан ва техника ютуқларини, энг янги технологияни дадилроқ жорий этингиз. Давлат планларининг бажарилишига қатъият билан эришингиз.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, сизларга, пахтакор, пиллачи, чорвадор ўртоқлар — барча колхозчи аёллар, совхозларнинг аёл ишчилари, сизларга мурожаат қилмоқдамиз. Қишлоқ хўжалиги коммунистик қурилишнинг зарбдор фронтидир. Сизлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини юксалтиришда ўз зиммангизга юклатилган бутун масъулиятни тушунаётганлигингизни фидокорона меҳнатингиз билан исботалдингиз.

Мўл-кўлчилик учун курашчиларнинг олдинги сафида бўлингиз. Комплекс механизацияни қатъият билан жорий этингиз, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашингиз, барча янги, илғор усулларнинг тарафдори, пропагандисти бўлингиз.

Устўлабинскликлар ва янгийўлликлар ташаббуси асосида янги резервларни қидириб топингиз, планларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун курашингиз.

Республикамиз пиллачилари бу йил ажойиб меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари бажардилар, бу қимматли хом ашёдан планга қўшимча 15 минг центнердан зиёдроқ топширдилар. Республика пиллачиларининг ғалабаси пиллачиларнинг асосий армияси бўлган қишлоқ меҳнаткаш хотин-қизларининг ғалабасидир.

Қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки олга қараб янги қадам қўйиш, саноатимизнинг қимматли хом ашёси бўлган пилла етиштиришни янада кўпайтиришга эришиш сизнинг шарафли ишингиздир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ меҳнаткашларини пиллачиларнинг ажойиб ғалабаси билан қизғин табрикладилар ҳамда колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва саноат мутахассислари бу йил пахтадан мўл ҳосил олишга эришдилар, деб ишонч билдирдилар.

Пахтачилик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар, сизларга алоҳида мурожаат қиламиз. Ўзбекистон — «оқ олтин» ўлкаси. Пахта бизнинг ғуруримиз, меҳнатимиз шарафи, Совет Иттифоқидаги барча халқлар олдидаги интернационал бурчимиздир. «Оқ олтин» етиштиришнинг талантли усталари, Ўзбекистонга сиз ана шундай шон-шуҳрат келтирганлигингиз билан ҳақли равишда фахрлана оласиз.

Лекин шу факт бизни ташвишлантирмай қолмайдики, республика давлат олдида катта қарздор бўлиб қолди, мамлакат пахтага катта эҳтиёж сезмоқда. Шунинг учун ҳам биз сизларни етти йилликнинг бешинчи йилида Ватанимизга 3 миллион 566 минг тонна ўзбек пахтаси етказиб берилишига бутун кучингизни, билимингизни ва ғайратингизни сарфлашга чақирамиз.

Пахтачиликда техника тараққиёти учун курашингиз, техникани дадилроқ эгаллангиз, муваффақиятларимизга ҳеч қандай об-ҳаво иноқликлари халал етказмаслиги учун ҳар бир тўп ғўзани ардоқлангиз.

Республикамиз пахтакорлари олдида ҳар бир колхоз, ҳар бир совхознинг ҳар гектар ердан камида 25 центнердан пахта олишига эришиш вазифаси турибди. Ана шу мақсадга эришишда қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш катта аҳамиятга эга. Биз сизларни шу йил мўл пахта ҳосили олиш учун қолоқ бригадага ўтган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг ташаббусига қўшилишга чақирамиз.

Бу йил биз машиналар билан 675 минг тонна пахтани териб олишимиз керак. Қадрли дугоналар, бу вазифани ҳал қилишда сиз билан биз катта роль ўйнашимиз лозим. Хотин-қиз механизаторлар ҳаракати кучая берсин, машиналарни эгаллаган аёллар борган сари кўпаяверсин.

Биз сизларни мўл пахта ҳосили учун социалистик мусобақани кун сайин кучайтиришга, илғорлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштиришга, коммунистчасига меҳнат қилишга чақирамиз!

Хотин-қизлар — халқ маорифи ходимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, биз сизларга мурожаат қиламиз!

Сизлар кенг меҳнаткашлар оммасига билим нурини ёймоқдасиз. Сизлар болаларимизни—бизнинг келажак авлодимизни тарбияламоқдасиз. Буни ҳис қилиш олижаноб меҳнатингизда сизларни илҳомлантириши керак. Кексаларнинг муносиб ўринбосарларини — меҳнатсевар, маънавий кучли жисмоний етук, ҳар томонлама ривожланган коммунизм қурувчиларини тарбиялангиз.

Медицина ходимлари бўлган хотин-қизлар, биз сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Энг қимматли нарса — совет кишисининг соғлиги ва ҳаёти сизларга ишониб топширилган. Ана шу ишончга муносиб бўлингиз. Ишни шундай йўлга қўйишга ҳаракат қилингки, касалхоналарда, поликлиникаларда ва бошқа даволаш муассасаларида кишиларга яхши ғамхўрлик қилинсин, уларга эътибор ва меҳрибонлик билан муомала қилинсин. Медицина хизмати кўрсатиш маданиятини оширингиз, медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий этингиз, омма орасида санитария пропагандасини актив олиб борингиз.

Адабиёт ва санъат арбоблари бўлган хотин-қизлар, биз сизларни улуғ замонамизга муносиб ёрқин асарлар яратишга чақирамиз. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви, бу учрашувда Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқи илҳомбахш ижодкорлик учун ёзувчилар, рассомлар, композиторларга чинакам беқиёс перспективалар очиб берди. Олдингизда турган юксак вазифалар даражасида ижод этингиз, адабиёт ва санъатнинг юксак партиявийлиги учун, халқ ҳаёти билан, ғўзал воқелигимиз билан чамбарчас боғланиши учун курашингиз. Санъатингиз, ажойиб талантингиз кишини қувонтирсин, улуғ мақсадга — коммунистик келажагимиз кишиларини тарбиялашга хизмат қилсин.

Савдо, умумий овқатланиш системаларида, маиший корхоналарда ишлаётган хотин-қизлар, сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Меҳнаткаш хотин-қизларимизнинг коммунизм қурилишида янада активроқ иштирок этиши учун барча шарт-шароитни яратиб бериш кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Биз сизларни меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини диққат-эътибор билан ўрганишга ва тўлароқ қондиришга чақирамиз. Ошхоналар, уй ошхоналари, ярим фабрикатлар, тайёрлаб қўйилган товарлар, газламаларни бичиш, уй ашёларини прокатга бериш магазинларининг, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларининг тобора кенгайтирилишига эришингиз.

Актив, хотин-қизлар советларининг аъзолари бўлган ўртоқлар, биз сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Сизлар хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида партия ташкилотларига катта ёрдам бера оладиган улкан армиясиз, катта қучсиз.

Ўз атрофингизга кенг активлар тўплангиз, хотин-қизлар билан тез-тез учрашиб турингиз, улар билан суҳбатлар ўтказингиз, уларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилингиз, мактабгача болалар муассасалари ишини ўз назоратингиз остига олингиз.

Биз сизларни ўтмиш сарқитларига қарши янада кескинроқ ва дадилроқ кураш олиб боришга, хотин-қизларга қолоқларча қараш-ларнинг ҳамма ва ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш очишга, барча хотин-қизларни юксак ғоявийлик руҳида, коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг талаблари руҳида тарбиялашда партия ташкилотларига ёрдам кўрсатишга чақирамиз.

Хотин-қиз ўртоқлар!

КПСС XXII съездида қабул қилинган партия Программаси бизга улуғвор истиқболлар очиб бермоқда. «Партия Программасида белгиланган нарсаларнинг ҳаммасига, — деган эди Н. С. Хрушчев, — фақат меҳнат билан эришиш мумкин, яхши ҳаётни фақат халқ меҳнати билан, яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилиш билан яратиш мумкин. Совет кишисининг олижаноб вазифаси, унинг энг биринчи бурчи мамлакат учун, жамиятнинг яхши ҳаёт кечириши учун, келажак авлод учун бойликлар яратиш ва тўплашдан иборатдир».

Тарих халқимизга биринчи бўлиб коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ролни бағишлаган экан, ана шу буюк ролга муносиб бўлиш учун бутун кучимизни сарфлайлик.

Коммунизм сари шаҳдам қадам ташлайлик, қадрли дугоналар!

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ.

Н. С. ХРУШЧЕВ

Туркия Буюк миллат мажлиси делегациясини қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Туркия Буюк миллат мажлиси делегациясини 12 июнда Кремлда қабул қилди. Делегацияга сенат раиси Суат Хайри Ургюплю бошчилик қилмоқда.

Қабулда делегация аъзолари билан бирга Туркиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Фахри Корутюрк ҳам бор эди.

Учрашув вақтида Н. С. Хрушчев билан Туркия Буюк миллат мажлиси делегациясининг аъзолари ўртасида суҳбат бўлди. Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ

АНГЛИЯ АВИАЦИЯ МИНИСТРИ ЖУЛИАН ЭМЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев СССР Авиация техникаси давлат комитетининг таклифига биноан, Англия авиация делегациясига бошлиқ бўлиб, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Англия авиация министри Жулиан Эмерини 12 июнда Кремлда қабул қилди.

(ТАСС).

Суратда: Ўзбекистон хотин-қизларининг III съезди делегатларидан (чапдан) Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Зарафшон» колхозининг сут соғувчиси Зубайда Туробова, Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Эътибор Набиева, Маргилон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Клара Отабоева, Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Мўттихон Жумабоева, Фарғона шаҳридаги 10-мактаб-интернат директори Гулчеҳра Бўрибекова, шу шаҳардаги 1-мактаб-интернат директори Ҳанифа Шарофиддинова, Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Бухоро» колхозининг комплекс механизациялашган бригада бошлиғи Назира Қодирова, Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи Турдихон Сатторова, Хўжаобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозининг бригада бошлиғи Шодмоной Раҳмонова ўртоқлар.

А. Горокрик ва Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

ИШТИХОН ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Ж. Хоназаров**, партия комитетининг секретари **Ю. Каримов**, комсомол комитетининг секретари **А. Тиллаев**, ипакчилик идорасининг мудири **Т. Усмонов**).

НОРПОЙ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Б. Жамолиддинов**, партия комитетининг секретари **Э. Имонқулов**, комсомол комитетининг секретари **Т. Насриддинов**, ипакчилик идорасининг мудири **П. Элмуродов**).

САМАРҚАНД ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Р. Алибеков**, партия комитетининг секретари **А. Раҳматуллаев**, комсомол комитетининг секретари **М. Жумаев**, ипакчилик идорасининг мудири **Н. Пшеничников**).

ЯККАБОҒ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Б. Милоков**, партия комитетининг секретари **Ж. Ҳаққулов**, комсомол комитетининг секретари **Ч. Узоқов**, ипакчилик идорасининг мудири **Ш. Каримов**).

ШАҲРИСАБЗ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **В. Караульних**, партия комитетининг секретари **З. Сирожиддинов**, комсомол комитетининг секретари **Э. Иброҳимов**, ипакчилик идорасининг мудири **С. Аҳмедов**).

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ

Ўзбекистон хотин-қизларининг III съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари **З. Р. Раҳимбобоева**нинг «КПСС XXII съезди қарорлари асосида Ўзбекистон хотин-қизларини коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Коммунистик меҳнат учун курашнинг олдинги сафларида шонли меҳнаткаш хотин-қизларимиз дадил қадам ташлаб бормоқдалар,—дейди Фарғона саноат область партия комитетининг секретари **С. Я. Қўлдошева.** Қўқонлик чевар Татьяна Кардашнинг «етти соатлик нормани олти соатда бажарайлик» деган ажойиб ташаббуси Фарғона областидагина, Ўзбекистондагина эмас, балки бошқа қардош республикаларда ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Кардаш меҳнат қилаётган фабриканинг бир ўзида ўн беш бригада унинг методи билан ишламоқда. Ўтган йили бу корхонада меҳнат унумдорлиги ўн беш процентдан зиёдроқ ошди.

Бу ўсиш совет хотин-қизларимизнинг ижодий фикри, ғайрати ва қатъияти нақадар катта самара бераётганлигини кўрсатиб турибди. Қўқонда эса яна бир янги ҳаракат бошланди. Пайпоқ-йигириш комбинатидаги ишчи аёллар ўнларча шогирдларни станокда ишлашга ҳақ олмасдан ўргатдилар.

Ишлаб чиқариш коллективларини тарбиялашда мастернинг роли ҳозир нақадар ошаётганлиги маълум. Бироқ, область корхоналарида жуда кўп аёл ишчилар ишлаётган бўлса ҳам, бизда хотин-қизлар орасида мастерлар жуда кам. Шу сабабли, область партия ва касаба союз ташкилотлари ҳозир ана шу муҳим масалага эътиборни кучайтирмоқдалар.

Фарғона ипагининг шуҳрати бутун дунёга ёйилган. Бу йил Фарғона пиллачилари ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан тўла ва ошириб бажардилар. Бу ғалабага эришишда қишлоқлардаги дугоналаримизга шаҳарларнинг аёл меҳнаткашлари ҳам катта ёрдам кўрсатдилар.

Маҳаллалардаги хотин-қизлар советлари аёлларни ва уларнинг оилаларини тарбиялашда катта иш олиб бормоқда. Улар оила кечалари, комсомол тўйлари, кинофильмларни коллектив бўлиб томоша қилиш, ишлаб чиқариш новаторлари билан учрашувлар сингари тадбирларни уюштирмоқдалар. Хотин-қизлар клублари, уйрўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар учун махсус лекторий ташкил қилинди. Бизнинг фикримизча, эркаклар билан яккма-якка суҳбат ўтказиш сингари муҳим тадбир ҳам амалга оширилмоқда.

Фарғона саноат область партия комитети хотин-қизлар ўртасида ғоявий тарбиявий ишларни кучайтириш учун курашмоқда. Жумладан, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари сонини кўпайтириш ва яна икки минг хотин-қизни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш мўлжалланмоқда.

Ленин шаҳрининг меҳнаткаш хотин-қизлари топшириғига биноан Ленинград Фрунзе район партия комитетининг секретари **З. М. Круглова** съезд делегатларини табриклайди.

Ўзбекистонни тилга олганларида, албатта, серқуёш деган сўзни қўшиб қўядилар, — дейди у, — бунда Ўзбекистоннинг иқлимигина ҳисобга олинмайди. Ўзбекистоннинг шуҳрати, аввало, сизлар мамлакатга етказиб бераётган тоғтоғ пахтаси, сизларнинг қўлингиз билан яратилган миллионларча метр товланиб турувчи ипак газламаларда, совет хонадонида дастурхонинг кўрки бўлган хушбўй, ширин-шакар меваларда, меҳнаткашларингизнинг моҳир қўллари билан Ватанга хизмат қилдирилаётган ер ости бойликларида, мамлакатимизни бойитибгина қолмасдан, балки чет элларга ҳам юборилаётган хилма-хил саноат маҳсулотларидадир.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ана шу мўл-кўлчилик умумий дастурхонига қўшаётган ғоят катта ҳиссасида хотин-қизларнинг роли каттадир. Республика бойликларини, газ дугоналар, сизларнинг хормас-толмас қўлларингиз билан яратилмоқда. Сизларнинг ижодий дадиллигингиз, маҳоратингиз, сизларнинг илҳомбахш меҳнатингиз энг қийин вазифаларни ҳал этишга ёрдам бермоқда. Сизлар якка ўзингиз эмас, балки совет хотин-қизларининг кўп миллионли армияси билан бир сафда меҳнат қилаётганлигингиз учун ҳам бу вазифалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Сизлар билан бир сафда биз Ленинград хотин-қизлари ҳам меҳнат қилмоқдамиз.

Инсон ҳаётидаги энг муҳим нарса меҳнатидир. Худди шу меҳнат бизларни бахтиёр қилади. Шу сабабли, ўз саломимизни топширар эканмиз, сизларга энг муҳим соҳада — ижодий, ғолибона меҳнатингиз янгидан-янги қувончлар, янгидан-янги муваффақиятлар тилашни истар эдик.

Делегациянинг бошқа аъзоси — «Севкабель» заводининг ўровчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анна Грицкевич билан биргаликда ўртоқ Круглова съезд президиумига Ленин шаҳри меҳнаткаш аёллари номидан совғалар топширади. Бизнинг совғаларимиз дўстлигимизни, Ильичнинг улуғ васиятларига садоқатимизни сизларга доимо эслатиб турсин, дейди нотиқ съезд қатнашчиларининг қарсаклари остида.

Сирдарё областидаги «Малик» совхозининг механик-ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Т. Қирғизбоева** минбарга чиқади.

Ленин васиятларига мувофиқ, партия ва халқнинг иродаси билан қўриқ ерларни гуллаб-яшнаб турган ўлкага айлантириш учун бундан бир неча йил муқаддам дугоналарим билан бирга Фарғона областидан Мирзачўлга келган эдик, дейди у. Лекин техника ишлатмай туриб қўриқ ерларни ўзлаштириш мумкин эмас эди, шунинг учун ҳам мен пахтазор бўйлаб, машина ҳайдашни ўрганишга киришдим. Турсуной Охуновадан ўрнак олиб, мен билан бирга яна 20 қиз механизатор деган фахрли касбни ўрганишди.

Ўтган йилиёқ мен пахта териш машинасини мустақил суратда бошқара бошладим ва машина билан 90 тонна «оқ олтин» тердим. Машина билан бунча пахтани териш унчалик кўп эмаслигини биламан, лекин тез орада бу кўрсаткичдан анча ўзиб кетишимга ишонаман. Совхозидаги ўртоқлар мени звено бошлиғи лавозимига кўтариб, катта ишонч билдирдилар. Бизнинг звенога 40 гектар пахтазор ер беришган, бу ерни 5 киши бўлиб ишламоқдамиз. Шундай қилиб, звенонинг ҳар бир аъзосига 8 гектар ер тўғри келади.

Яна икки рақамни тилга олмоқчиман. Ҳар бир киши ҳисобига 32 тоннадан пахта етиштирилиши учун ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишга қарор бердик. Бунчалик кўп ишни биз қандай тадбирлар билан бажара оламиз? Ҳосилнинг ҳаммасини машиналар билан териб олиш ҳисобига бажарамиз, албатта. Муваффақиятга эришишнинг калити мана шунда.

Биз қандай планлар тузган бўлсак шунга яраша ишлаймиз. Ҳозиргача ғўзани икки марта узунасига ва кўндалангига парвариш қилдик, эндиликда ғўзаларни суғормоқдамиз. Яхши парвариш натижасида ҳамма ғўзалар шоналамоқда, баъзи ғўзаларда гуллар ҳам кўриниб қолди.

Партия, совет ҳокимияти хотин-қизларга бахтиёр кувончли ҳаёт берди. Партия ғамхўрлигига унумли меҳнат билан, коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан жавоб бериш бизнинг биринчи галдаги бурчимизнинг. Биз, хотин-қизлар Мирзачўлнинг Ватанга янада кўп «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни киламиз.

Мандат комиссиясининг раиси **Ш. З. Саломова**га сўз берилади. У бундай дейди: Съезд делегатларининг состави совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётида рўй берган катта ўзгаришларни, шаҳар ва қишлоқларда меҳнат қилаётган аёлларнинг маънавий юксалиши, уларнинг истеъдодлари ва қобилиятларини ривожлантириш тўғрисида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қилаётган оталарча ғамхўрликни яққол ифода этади.

Съездга жами 1176 делегат сайланган. Улар орасида саноат ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторларидан 187 киши, саноат корхоналари раҳбарларидан 77 киши, илғор колхозчи, совхоз ишчиси ва қишлоқ хўжалик мутахассиси бўлган аёллардан 177 киши бор. Съезд ишларига олий ўқув юртлари, техникум ва мактабларнинг ходимларидан 135 киши, фан, адабиёт ва санъат арбобларидан 71 киши, шу жумладан фан кандидати ва доктори бўлган 22 киши қатнашмоқда. Съезд делегатлари орасида кўпгина партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари бор.

Делегатларнинг маълумоти тўғрисидаги рақамлар Ўзбекистон меҳнаткаш аёлларининг маданий савияси муттасил ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Делегатларнинг ярмиси олий маълумотли, 407 делегат тўлиқсиз олий ва ўрта маълумотли кишилардир.

Съездга 28 миллат вакиллари сайланган. Делегатлардан 11 киши СССР Олий Советининг депутати. 111 киши Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутатлари, 506 киши маҳаллий Советларнинг депутатидир.

Съезд мандат комиссиясининг докладини бир овоздан тасдиқлади.

Киев шаҳридаги Темир йўл район партия комитетининг секретари **А. Ф. Иваненко** Украина ва Молдавия хотин-қизлари номидан съезд делегатларини табриклайди.

— Ўзбекистон хотин-қизларининг мана шу ажойиб форумида қатнашиш имкониятини берганлигинги учун сизлардан жуда миннатдормиз, дейди нотиқ. Бизнинг Украина ва Молдавияда ҳам худди Ўзбекистонда бўлганидек, хотин-қизлар халқ хўжалигининг ҳамма участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Донбасс шахталарида, Харьков заводларида, Полтава далаларида, Молдавиянинг узумзорларида, ҳамма жойда хотин-қизларимиз ўз истеъдодлари ва талантларини намоён қилмоқдалар.

Биз тинч меҳнат қилмоқдамиз, бахтиёр яшамоқдамиз, фарзандларимизни вояга етказмоқдамиз. Бизга тинчлик керак, бироқ биз бошимизга уруш солган даҳшатларни ҳеч қачон унутмаймиз. Зотан биз осмонимиз мусаффо ва нурафшон бўлсин учун Ватанимиз қудратини, мамлакатимиз халқларининг буюк дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверамиз. Фашист галалар Ватанимизга бостириб кирган оғир йилларда руслар, ўзбеклар, украиннлар, белоруслар, қозоқлар, туркманлар ва совет мамлакатидаги бошқа халқларнинг фарзандлари тутишган ога-инилардек елкама-елка туриб муқаддас тупроғимизни ҳимоя қилганликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Бошимизга кулфат тушган кунларда бизга дўстлик қўлини чўзган ва Шарқ томон келтирилган ва етим қолган болаларимизни ўз бағрига олган ўзбек халқидан жуда миннатдормиз. Уйжойсиз дарбадар бўлиб қолган болаларнинг бошини силаган Шоаҳмад Шомаҳмудовга, унинг рафиқаси Бахрихонга ва шунга ўхшаш оиналарга миннатдорчилик билан таъзим қиламиз.

Барча совет хотин-қизлари сингари Украина, Молдавия хотин-қизлари ҳам тинчликни сақлашда учун ўз зиммаларидаги катта масъулиятни яхши тушунадилар. Хотин-қизларнинг Жаҳон конгрессини муваффақиятли ўтказишга ёрдам бермоқ учун ҳамма ишларни қиламиз. Биз халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг бирлиги ва жипслиги учун курашамиз.

Ўртоқ Иваненко нутқининг охирида совет халқларининг бузилмас дўстлиги шарафига, Совет Ўзбекистонининг шонли меҳнаткаш аёллари шарафига табрик сўзларини ўзбек тилида айтади. У. Украина, Молдавия ва Ўзбекистон хотин-қизлари ўртасидаги абадий дўстликнинг рамзи сифатида съезд президиумига эсдалик совғалари топширади.

Бухородаги «Октябрь 10 йиллиги» пиллакашлик фабрикасининг аёл ишчилари КПСС Марказий Комитети Пленумини меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқдалар. Фабриканинг бош инженери **Е. А. Ходкевич** делегатларга шу тўғрида гапиради.

Нотиқ хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари тўғрисида гапириб, жамоат таъсири катта самаралар беришини кўрсатиб ўтади. Кунлардан бирида фабрика хотин-қизлар советига ишчилардан бири ўз қизига нотўғри муносабатда бўлаётганлиги тўғрисида сигнал тушди. Актив аёллар шу оилани назорат остига олишди, қизнинг ўқишга киришига ёрдам беришди, меҳнатда ўз қобилиятини кўрсатишига кўмаклашишди. Хотин-қизлар совети коммунистик меҳнат ҳаракатини ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдамлашмоқда, аёл ишчиларни юксак онглилик, ўртоқлик ва ўзаро ёрдам руҳида тарбиялямоқда.

Фабрикадаги клубда илғор тажрибалар тўғрисида, коммунистик ахлоқ тўғрисида тез-тез лекциялар ўқилади. Буларнинг ҳаммаси яхши натижалар бермоқда.

Белоруссия ССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари **А. Ф. Ничипор** Белоруссия хотин-қизлари номидан съезд делегатларига ҳамда улар орқали Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларида меҳнат қилаётган барча хотин-қизларга алангали салом топширади.

Барча қардош республикалар хотин-қизларининг тақдири сингари Белоруссия ва Ўзбекистон хотин-қизларининг тақдири ҳам бир-бирига жуда ўхшаб кетади, дейди нотиқ. Улуғ Октябрь бизларнинг ҳаммамизни ижодий яратувчилик меҳнатнинг кенг йўлига олиб чиқди, жонажон Коммунистик партия бизларга оналарча ғамхўрлик қилмоқда. Партия XXII съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Белоруссия меҳнаткаш аёллари ўзбек дугоналари қатори коммунизм қурилишида актив қатнашмоқдалар.

Ўзбек хотин-қизлари, сизлар «оқ олтин» — пахта етиштирясизлар, бизнинг колхозчи аёлларимиз эса меҳр билан белорус ипаги деб аталадиган энгирпоядан мўл ҳосил олмоқдалар. Фидокорона меҳнат қилганликлари учун кўпгина колхозчи аёллар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номга сазовор бўлганлар. Белоруссия халқ хўжалигида меҳнат қилаётган минларча аёллар Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланганлар. Келинглар, бундан буён ҳам бирғаликда меҳнат қилиб, улуғ Ватанимиз қудратини мустаҳкамлайверайлик ва ривожлантираверайлик, коммунистик жамият қуриш суръатларини тезлаштираверайлик.

Ўртоқ Ничипор залдагиларнинг қарсаклари остида съезд президиумига Белоруссия хотин-қизларининг совғасини топширади.

Қорақалпоғистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Р. Ш. Қолбоева** Автоном республика хотин-қизларининг активлиги ўсиб бораётганлиги тўғрисида гапиради.

Масалан, «Устюрт» совхозида меҳнатга яроқли барча хотин-қизлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган, совхознинг хотин-қизлар совети чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, фермалардаги сермеҳнат ишларни механизациялаш, мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш учун курашнинг ташаббускори бўлди. Совхозда хотин-қизларнинг кенгашлари ва мажлислари мунтазам ўтказиб турилади, бу кенгаш ва йиғилишларда илғор тажрибалар алмаштирилади. Хотин-қизлар совети хотин-қизлар учун яхши маиший шароит яратиб бериш тўғрисида, уларнинг умумий ва сиёсий билимларини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Хотин-қизлар ишлаб чиқариш фаолиятида актив қатнашаётганлиги совхознинг хўжалик ишларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Область хотин-қизлар совети энг яхши жамоат ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганмоқда ва уни кенг оммалаштирмоқда.

Хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ютуқларимиз шак-шубҳасиздир, лекин шу билан бирга идеология ишини олиб боришдаги жиддий нуқсонларни ва камчиликларни пайқамаслик нотўғри бўлур эди. Бир қанча корхоналарда, айрим колхоз ва совхозларда пропаганда ва агитация ишлари турмушдан ажралган ҳолда олиб борилмоқда. Илмий атеистик пропаганда сust кўйилган. Хотин-қиз кадрларни жойжойига қўйиш ва юқори лавозимларга кўтариш сингари муҳим масалага дуруст эътибор берилмаётир.

Ўрта мактабни тамомлаб чиққан қизларга олий маълумот олишда кўмаклашиш лозим. Ўрта мактабни тамомлаб ишлаб чиқаришга борган қизлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқ керак. Уларнинг ўқишни давом эттиришлари учун ҳамма шароитни яратиб бериш зарур. Шу нарса сир эмаски, биринчи синфга ўқишга кирган қизларнинг ҳаммаси ҳам ўрта мактабни тамомлаб чиқаётганлари йўқ. Шу сабабли қизларнинг ўқишга киришдан бошлаб, то етуклик аттестати олгунча яхши ўқиши ва мактабни ташлаб кетмаслиги учун кураш партия, совет ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш соҳасида маълум тажриба орттирилди. Кенгашлар ўтказиш, делегациялар юбориш йўли билан областлар ўртасида мунтазам суратда тажриба алмашиб туриш ташкил этилса, фойдали иш бўлур эди. Ўрта Осиёдаги қардош республикалар хотин-қизлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур.

Қозоғистон ССР молия министрининг ўринбосари **К. К. Содиқова** қардош Қозоғистон хотин-қизлари номидан съезд қатнашчиларига алангали дўстона салом топширади. У съезд номига, Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткаш хотин-қизлари номига Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети юборган самимий табриконани ўқиб беради.

Қозоғистон меҳнаткаш аёллари ўзбек дугоналарининг ажойиб ютуқлари ва муваффақиятлари билан, уларнинг коммунистик қурилиш ишига кўшаётган катта ҳиссалари билан чин қалбдан ҳақли равишда фахрланадилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон пиллачиларининг давлатга пилла сотиш планини ошириб бажарганликлари муносабати билан юборган табриконамасидан Қозоғистон хотин-қизлари ўзбек аёллари билан биргаликда қувондилар. Халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда актив қатнашаётган хотин-қизларнинг бу ғалабадаги хизмати айниқса катта эканлиги жуда қувончлидир.

Қозоқ ва ўзбек халқлари қадимдан мустаҳкам дўстона алоқа боғлагандирлар. Улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар йил сайин тобора мустаҳкамланиб бормоқда, ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кучайиб ва кенгайиб бормоқда. Яқинда Қозоғистоннинг кўпгина пахтакор колхоз ва совхозларни ҳамда Мирзачўлдаги янги ўзлаштирилаётган ерларнинг анчагина қисмини Ўзбекистон республикасига топширганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Улуғ Ватанимизнинг шонли қизлари ишлаб чиқариш илғорларнинг олдинги сафида бориб, эркаклар билан қўлни қўлга бериб, ўз юксак мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун муваффақиятли курашмоқдалар. Совет Шарқининг озод қизлари хотин-қизларнинг Москвада бўладиган жаҳон конгрессида муносиб делегатлар бўлиб, барча совет хотин-қизлари билан биргаликда, бутун ер юзидаги прогрессив хотин-қизлар билан биргаликда дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига янги ҳисса қўшишлари керак.

Ўртоқ Содиқова бундай дейди: Республикамиз хотин-қизлари бизларни Ўзбекистон хотин-қизларининг III съездига кузатиб қолар эканлар, сизлар билан абадий дўстлигимиз ҳурматига мана шу кичик совғани топширишни сўраган эдилар. Ўртоқ Содиқова қарсаклар остида президиумга «Опа-сингиллар» китобини тақдим қилади. Бу китобда Қозоғистон хотин-қизларининг 1917 йилгача бўлган батамом ҳуқуқсиз мудҳиш ҳаётлари ҳақида ҳамда уларнинг бугунги кувонч ва ижод тўла бахтиёр ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкент тўқимачиларининг 17 минг кишилик коллективи номидан комбинат директори З. А. Абдуллаев съезд делегатларига меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда катта муваффақиятлар тилайди.

Тошкент тўқимачилари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, ишлаб чиқаришда янги резервларни кидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Бу резервлардан бири — қолоқларни илғорлар даражасига етказиб олишдир. Ленин ордени билан мукофотланган тўқувчи Садди Пўлатова бу жиҳатдан ажойиб намуна кўрсатмоқда. У бир неча марта илғор комплектдан қолоқ комплектга ўтиб, янги жойда жуда яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқда. Садди Пўлатова фойдаланаётган иш усуллари ёш ишчиларни ўқитиш учун асос қилиб олинди.

Ҳозир комбинатда етти мингдан кўпроқ ишчи коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилди. Булардан кўпларига ана шу шарафли ном берилди. Коммунистик меҳнат бригадалари коллективга ғоят катта тарбиявий таъсир кўрсатмоқдалар. Улар биринчи бўлиб коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексидаги юксак принципларни қандай қилиб амалга ошириш кераклигини кўрсатиб бердилар. Коммунистик меҳнат зарбдорларининг тажрибаси кенг ёйилмоқда. Уларнинг кўплари рационализатор бўлиб, корхонада техника тараққиётини жадаллаштирмоқдалар.

Тўқимачи аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароити узлуксиз яхшиланмоқда. Етти йиллиннинг тўрт йили ичида комбинатга қарашли болалар муассасаларидаги жойлар сони деярли бир ярим баравар кўпайди. Мингга яқин медицина ходимлари ишчилар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлямоқдалар. Комбинатда спорт иши кенг йўлга қўйилди.

Комбинат дирекцияси, партия ва жамоат ташкилотлари хотин-қиз ишчилар меҳнатини енгиллаштириш тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаш юзасидан кенг миқёсда иш олиб борилмоқда. Ҳозир корхонани янги графикка ўтказиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Тунги сменаларни кескин қисқартириш кўзда тутувчи бу график тўқимачилар ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Юридик комиссиянинг раиси **Х. С. Сулаймонова** сўз олади. Хотин-қизлар съездининг чақирилиши, — дейди нотиқ, — коммунизм қурилишида хотин-қизлар нақадар катта роль ўйнаётганликларини, Коммунистик партия уларга нақадар катта ғамхўрлик ва эътибор билан қараётганлигини кўрсатади.

Нотиқ тўқимачилар ўлкасидаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳаёти, ишлари ва режалари ҳақида батафсил гапириб, бундай деди:

— Съезд делегатларига, мингларча бахтиёр кўзларга ҳаджонсиз қараш мумкин эмас. Бу кўзларда бахт-саодат ва ўз ҳаёти билан, ижодий меҳнат эркинлиги ва қувончи билан фахрланиш яққол кўриниб турибди. Ўзбекистон хотин-қизлари жануб қуёшидангина эмас, балки улуғ Ватанимизнинг оналарча меҳрибонлигидан баҳраманд бўлаётганликларини, жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг меҳридан қонаётганликларини биз ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик. Шунинг учун ҳам мен сизлар билан биргаликда тинчлик ва бахт-саодат учун, барча совет хотин-қизларининг равнақ топаётганлиги учун партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ва шахсан Никита Сергеевич Хрущевга катта раҳмат ва русларга хос спасибо деб айтишни истар эдим.

Қадрли ўзбек опа-сингиллар, деб мурожаат қилади Озарбайжон ССР Давлат республика тарих музейининг директори **П. А. Азизбекова** съезд делегатларига, сизнинг моҳир қўлларингиз ҳеч қачон чарчаш нималигини билмасин! Ҳар бир ўзбек аёли бахтиёр оила гаштини сурсин! Ўғлингиздан абадий олов ва деразангиздан нур аримасин! Озарбайжон хотин-қизлари сизларга мана шу истакларни топширишни мендан илтимос қилишди. Улар Совет Ўзбекистонининг ҳамиша гуллаб-яшнаб туришини ва унинг барча меҳнаткашлари қалбида коммунизм учун кураш алангаси сўнмаслигини истайдилар.

Азиз опа-сингиллар! Шарқдаги барча хотин-қизлар сингари бизлар — ўзбек ва озарбайжон хотин-қизларининг ҳам жафокор тақдиримиз бир хил эди. Сиз билан бизни паранжи ва чимматга ўраб ёруғ дунёдан, бутун борлиқдан, қувонч ва бахтдан бенасиб қилган эдилар. Эндиликда эса сиз билан биз коммунизм учун курашчиларнинг ягона сафида бораётганимизда ҳам бизнинг тақдиримиз бир хил. Лекин бу тақдир аввалги тақдиримиздан тамомила бошқача. Бу тақдиримиз нақадар гўзал! Сиз билан биз бугун ўзимизни бахтиёр деб ҳис қилишимиз учун ўзларининг куч ва ғайратларини аямай сарфлаган, кўпчилиги эса ҳатто ўз жонини қурбон қилган шонли опаларимиз — улуғ рус халқининг вакиллари қилган ҳамма ишларни беихтиёр эслайсан, киши.

Унутилмас 1920 йил хотирамга тушди. Ўша йили Москвада, коммунистларнинг иккинчи конгрессида Шарқ хотин-қизлари биринчи марта учрашдилар. Ҳа, бизнинг ўзбек ва озарбайжон опа-сингилларимиз биринчи марта рус ерида бир-бирларининг қўлларини қисишди, бир-бирларининг нигоҳига боқишди, қайғу-ҳасратдан эмас, бахтиёрликдан, порлоқ истиқбол, коммунизм сари бораётганлар билан бир сафда тура олишларини англаганликларидан биринчи марта биргалашиб кўзларига ёш олишди. Бу хотин-қизлар энг буюк, ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир инсон учун ғоят қадрли бўлган тинчликни севадиган, меҳнатни севадиган улуғ Ленинни кўрганликларини ҳеч қачон унутмайдилар.

Бизнинг республикалар и м и з мамлакатга кўплаб «оқ олтин» бериш учун кўп йиллардан бери биргаликда курашиб келмоқдалар. Пахтакорларимиз номидан Турсуной Охуновага катта раҳмат айтишни истайман. Чунки унинг ажойиб ташаббусига Озарбайжоннинг ўнларча қизлари эргашишди. Яна юзларча пахтакор аёллар «зангори кема»ларни бошқариш маҳоратини ўргана бошлашди. Бизнинг республикаларимиз ўртасидаги ҳамдўстлик ва ўзаро ёрдам меҳнатда энг яхши ютуқларга эришиш учун ғоят кенг суратда мусобақалашишга ҳамиша асослангандир. Шундай бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлаверади. Зотан биз бир-биримизнинг тажрибамизни доимо ўрганаверамиз, ҳамма янгилик ва илғор усулларни дадиллик билан жорий этаберамиз. Бу ишда, улуғ коммунистик қурилишнинг актив иштирокчилари бўлган биз, хотин-қизлар ҳал қилувчи роль ўйнаймиз.

Ўртоқ Азизбекова Озарбайжон хотин-қизлари тўқиган кўркам гиламни ўз республикаси хотин-қизлари номидан съездга тақдим қилади.

Ўзбекистон ССР прокурори **Н. Ёқубов** сўзга чиқади. Социализм ғалабаси, деди у, Ватанимиз меҳнаткашларига жуда кенг ҳуқуқлар берди ва бу ҳуқуқларни гарантиялади. Коммунизм совет кишилари олдида янги мислсиз перспективалар ва имкониятлар очиб беради.

Биз инсониятнинг асрий орзуси — ер юзида энг адолатли жамият қуриш орзуси амалга ошаётганидан иборат улуғ тарихий процесснинг замондошлари ва қатнашчиларидирмиз. Ҳозироқ, бизнинг кунларимиздаёқ, партия кишиларни коммунизм даврида яшашга тайёрламоқда. Совет давлатининг ҳамма иқтисодий, идеологик ва ҳуқуқий воситалари янги кишини шакллантиришга, коммунистик онглилики ривожлантиришга ҳамда буржуазия психологияси ва ахлоқининг сарқитларини батамом тугатишга қаратилгандир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно миллий сиёсати туфайли миллий республикаларнинг хотин-қизлари тарихан қисқа муддат ичида асрлар давомида ҳукм суриб келган кўпгина ваҳшиёна сарқитлардан озод бўлдилар. Совет ҳокимияти ўтмишнинг оғир сарқитларини қадам-баҳадам тугата бориб, озод бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий активлиги ва сиёсий онглилигини муттасил оширишга халқит беришга қаратилган жиноий ҳаракатларга қарши актив кураш олиб бормоқда. Ҳозироқ кўпгина сарқитлар батамом тугатилди. Бироқ, жуда катта муваффақиятлар орқасида ҳали ҳам яшаб келаётган ҳамда баъзан хотин-қизларнинг актив ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятда янада кўпроқ иштирок этишига халақит бераётган эски одатларни кўрмаслик хато бўлур эди.

Партия XXII съезди қабул қилган КПСС Программасида айтиладики, партиянинг миллий мусобатлар соҳасидаги вазифаларидан бири коммунистик қурилишга халақит берувчи урф-одатларга ва хулқ-атворларга карши муросасиз кураш олиб боришдан иборатдир. Шу сабабли, суд ва прокуратура органларининг ходимлари ўтмиш сарқитларини, жумладан, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш сарқитларини батамом тугатиш соҳасидаги ўз ишларини кучайтиришлари керак. Хотин-қизлар ҳуқуқини поймол қилаётган ва социалистик қонунларни бузаётган кишиларга шафқат қилиб бўлмайди. Бу муҳим ишда жамоатчиликнинг роли жуда каттадир. Ҳар қандай сарқитларга карши курашда жамоатчилик жуда катта ҳал қилувчи куч эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Тбилиси шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари **В. Н. Григалашвили** съезд делегатларини Совет Грузияси хотин-қизлари номидан табриклайди. Бизнинг ўртамизда юзларча километр масофа, тоғ чўққилари, денгизлар, бепоён далалар бор. Лекин биз сизлар билан бир совет оиласида яшамоқдамиз ва меҳнат қилмоқдамиз, бизларнинг қувончимиз ҳам бир, ташвишимиз ҳам бир, бизларни коммунизмнинг улуғ иши яқинлаштириб турибди.

Биз ўзбек хотин-қизлари Совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган ажойиб йўлни нишонлаш учун шу қувончли кунда тўпландик. Шу давр ичида серқуёш Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти, тақдири таниб бўлмайдиган даражада ажойиб тарзда ўзгариб кетди. Улуғ Октябрь шамоли паранжини улоқтириб ташлади ва хотин-қизларнинг ёруғлиқ сари йўлини тўсиб турган қора булутларни тарқатиб юборди. Эндиликда ўзбек хотин-қизлари олдида порлоқ келажак сари ҳамма йўллар очиқ бўлиб, улар коммунистик жамият бахт-саодати йўлида, муваффақиятли меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Ўзбек хотин-қиз меҳнаткашларининг, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, колхозчи, ишчи, олим, врач, ўқитувчи, педагог, адабиёт ва санъат арбоби бўлган хотин-қизларнинг шонли номлари бутун мамлакатимизга маълум. Совет Ўзбекистонининг хотин-қизлари халқ хўжалигининг беистисно ҳамма соҳаларида ўз талантларини, меҳнатсеварликларини ва бошқа ажойиб фазилатларини намоён қилмоқдалар.

Зал тантанали сукунат ичида. Бирданига гулдурос қарсаклар бошланади. Делегатлар саф тортиб, залдан ўтиб бораётган «зангори кема» капитанларини қарсаклар билан табриклайдилар. Қизлар иш кийимларини кийиб олганлар. Совет Шарқи хотин-қизларининг энг янги техника билан дўстлиги символи бўлиб қолган кўк комбинезонлар бу залда айниқса чиройли бўлиб кўринади.

Пахта далалари новаторларининг сафларида бутун республикага, бутун мамлакатга маълум бўлган пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари юриб боради. Ўз ташаббуси билан пахтачиликда чинакам революция қилган, бизнинг совет хотин-қизларимиз қандай чўққиларга кўтарилиши мумкин эканлигини кўрсатган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунович ҳаққоний равишда капитанларнинг капитани деб атайдилар.

Турсуной ёнида — унинг жанговар издошлари ва мусобақадош дўстлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, Ленин ордени билан мукофотланган Мария Ковалева ва пахта далаларининг бошқа тўла ҳуқуқли хўжайинлари туриби.

«Зангори кема» капитанлари саҳнада саф тортиб съезд қатнашчиларига шеърий табрик билан мурожаат қиладилар.

Механизаторлар армиясининг вакиллари жонажон партия, Совет ҳукуматига ва шахсан Никита Сергеевич Хрущевга совет пахтачилигини юксалтириш тўғрисида, пахта териш машиналарини ва бошқа мукаммал техникани жуда кенг жорий қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун миннатдорчилик изҳор қиладилар. Улар пахта далаларидаги янги меҳнат зафарлари билан Ватанни қувонтиришга ваъда берадилар, ҳамма хотин-қизларни техника тараққиёти ишини ўз қўлларига дадил олишга даъват этадилар.

«Зангори кема» капитанларининг таъсирли кўшиғи зал гумбазлари остида баралла янграйди.

Азиз опа-сингилларимиз, сизларнинг муваффақиятларингиз, ютуқ

ҒЎЗАНИ НАМУНАЛИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ—МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАР АСОСИДА АГРОТЕХНИКАНИНГ МУҲИМ ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК!

Ўзбекистоннинг жазирама ёзи келди. Ҳозирги пайтнинг ҳар куни ҳосилнинг тақдирини ҳал қилади.

Ҳар бир пахтакор шу масъулиятли дамда экинларни намунали парвариш қилиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланиши керак. Ғўза нормал ўсган ва ривожланган тақдирдагина пахтакорлар ердан мўлжал қилинган даражада мўл ҳосил оладилар. Лекин ана шу қимматли вақтнинг озгинаси қўлдан бой берилса ҳам кейин уни қайтариш қийин бўлади.

Бу йил колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари чигитни бултургига караганда анча яхшироқ экиб олдилар ва анчагина майдонларда чигитни барвақт ундириб олишга муваффақ бўлдилар. Лекин апрель ойининг иккинчи ярмида об-ҳавонинг ноқулай келиши—кучли ёмғир ёғиши, дўл тушиши, ҳавонинг совуши, республиканинг бир қанча районларида сел келиши катта майдонларда чигитни қайта экиш, оласига экиш ва бошқа кўпгина қўшимча ишлари қилиш заруратини туғдирди. Буларнинг ҳаммаси экиннинг ола бўлишига, паст-баланд бўлиб, ривожланишдан кейинда қолишига сабаб бўлди.

Об-ҳаво ноқулай келиши натижасида юз берган кийинчиликларни мардонавор енга олган кўпгина хўжаликларда ғўза ёшлигиданоқ вақтида ва намунали парвариш қилиниши туфайли нормал ўсиб оммавий равишда шоналамоқда.

Шу билан бирга кўпгина колхозлар ва совхозлар баҳор ноқулай келиши оқибатларини тугатишга қаратилган зарур тадбирларни ўз вақтида амалга оширмадилар, мавжуд бўлган моддий техника воситалари ва меҳнат ресурсларидан қониқарсиз фойдаланмоқдалар, ғўзани парвариш қилишдек муҳим ишда бир колипда иш тутилишига йўл қўймоқдалар. Шунинг оқибатида кўпгина далалардаги ғўзани ўт босиб кетди, экин нимжон бўлиб, ривожланишдан кескин орқада қолмоқда.

Ҳозир шундай аҳвол юз берди ки, битта далада ғўза қийғос шоналаган, иккинчи бир далада эса экин ердан энди бош кўтариб, дастлабки иккита чин барг чиқаган, холос. Бундай ола-булаликни тугатиш ва ўсимликнинг ривожланишдаги қолоқликни битириш пахтакорларнинг шу кеча-кундуздаги энг асосий вазифаларидир. Бу вазифа ғўзани парвариш қилиш юзасидан агротехника тадбирлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилган, ҳар бир далаларнинг экинни ишнинг кўзини билиб ва ҳар бир участкадаги ўсимликнинг ривожланишдаги аҳволини ҳисобга олиб тарбия қилинган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

ТЎЛА ГЕКТАР УЧУН ТО ҲОСИЛ ЕТИЛГУНЧА ҚУРАШАЙЛИК

Ягананинг кечиктирилганлиги ғўзани парвариш қилишдаги энг катта камчиликдир, айрим далаларда яганалаш сифатли ўтказилмади, ҳар уяда 5-6 тадан, ҳатто ундан ҳам кўп кўчат қолдирилди. Барча далаларда яганалашни яқин кунлар ичида тамомлаш, ҳар бир қаторни синчиклаб текшириб чиқиш ва ортиқча кўчатни юлиб ташлаш керак.

Мўл ҳосил етиштириш учун ғўза кўчатларининг қалинлиги нормал бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир участкани тракторчига биркитиб қўйиш, бу ерда қанча кўчат борлигини кўрсатиб, унга акт билан топшириш керак, токи у ҳар бир туп ғўзанинг ўсиши учун кузгача сувчи билан бирга жавоб берсин. Кўчатларнинг тўла сақлаб қолиниши учун пахтачилик бригадаларидаги барча аъзоларнинг масъулиятини ошириш зарур.

БЕГОНА ЎТ — ҒЎЗАНИНГ ОФАТИ

Бегона ўт ғўзани қисибгина қолмасдан у, ердаги кўпгина озуқа моддаларни шимиб олади, тупроқни қуритиб қўяди ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг кўплаб тарқалишига сабаб бўлади.

Маълумки, экинки икки томонлама юқори сифатли кенг культивация қилиш бегона ўтларга қарши курашнинг муҳим шартидир. Шу билан бирга ҳар бир колхоз ва совхозда бегона ўтларга қарши курашнинг бошқа барча воситалари ва усулларидан фойдаланиш зарур. Ўт жуда кўп босган далаларда уни кетмон билан йўқотиш керак. Кўп йиллик бегона ўтларни ғўза сув ичгандан кейин қўлда илдизи билан суғириб олиб йўқотиш зарур. Чунки ғўза суғорилгандан кейин бегона ўтни томири билан юлиб олиш осон бўлади. Бегона ўтга қарши курашга колхозлар ва совхозлардаги ишга яроқли барча аҳолини жалб қилиб, бригадалар ўртасида ўзаро ёрдамни кенг уюштириш лозим.

СИФАТЛИ КУЛЬТИВАЦИЯ — ҒЎЗАНИНГ ОРОМИ

Шу кеча кундуздаги вазифа далаларни ҳамиша юмшоқ ва бегона ўтлардан тоза тутишдан иборатдир. Бунга экиларни кўндаланг-га-узунасига ишлаш пайтида культиваторлардан тўла ва тўғри фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин.

Тез-тез ёғингарчилик бўлиб туриши натижасида кўпгина далаларда каткалоқ пайдо бўлган бу йилги шароитда, шунингдек, чигит қайта экилган майдонларда тупроқ зичлашиб колган бир вақтда ротацион иш органлари (РОР) ва тупроқнинг устки қатламини юмшатиш учун ККО иш органларидан фойдаланишнинг муҳим аҳамияти бор. Бу мосламалар қатор ораларини бевосита ўсимликнинг яқинроқ жойигача юмшатиш имконини берадики, бу қўл меҳнатини анча қисқартиради.

Одатда, культиваторларнинг иш органлари тўла-тўкис, яхши чархланган, шаблонга караб ёки тахта қозиқ ва канон ёрдами билан жойжойига қўйилган ҳолда ишлатилади. Тракторни юргизиш учун рулининг ва тормоз системасининг соз бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу, агрегатни тўғри чизиқдан юргизишни ва карталарнинг бошида тракторни қайтариш радиусини камайтириш имконини беради.

Ғўза қатор ораларини қўндалангига ишлаш пайтида тракторнинг кейинги ғилдиракларининг олдига, культиваторнинг олдинги грядилларига эгатни тўғри олиб кетиш учун ғоз панжалари ўрнатилади. Бу, тракторнинг силкинишини камайтириб, уни аниқ юргизиш имконини беради. Бунда ғўзани культивация қилиш тезлиги соатига 3,5-4 километр бўлади.

Ротацион иш органлари, пичоқлар ва стрелкасимон панжалар культиваторнинг олдинги ва орқадаги грядилларига ўрнатилади. Ғўзани узунасига культивация қилганда ҳамиша пичоқлар 10 сантиметр кенгликда ҳимоя зонаси билан ва ерни 6-8 сантиметр чуқурликда ишлаб кетадиган қилиб ўрнатилади.

Ғўзани қўндалангига культивация қилган пайтда уяларнинг узунлигини ҳисобга олиб ҳимоя зонаси 12-14 сантиметргача узайтирилади. Ротацион иш органларининг ҳимоя зонаси 5-6 сантиметр, юмшатиш чуқурлиги эса 5-6 сантиметр бўлиши керак. Барча схемаларда ҳам стрелкасимон панжаларнинг иш органлари қамраб олиш кенглиги 150 миллиметр қилиб қаторларнинг (уяларнинг) ўртасида ўрнатилади. Пичоқлар уяларнинг олдидан ёки орқасидан 8-10 сантиметр чуқурликда юмшатадиган қилиб ўрнатилади.

Ерни юмшатиб кетадиган панжалар (наральниклар) ҳар бир қатор орасида 3 тадан ўрнатилади. Бундай ҳолда ҳимоя зонаси ён томондаги панжаларнинг юриш чуқурлиги 8-10 сантиметр ва ўртадаги панжаларнинг чуқурлиги 14-16 сантиметр бўлган тақдирда 12-15 сантиметрга тенг бўлиши керак.

Иш органлари (ККО) узунасига қаторларнинг ўқидан 10-12 сантиметр ҳимоя зонаси билан тор панжаларнинг юмшатиш чуқурлиги 5-6 сантиметр, ўрта панжаларнинг юмшатиш чуқурлиги эса 14-16 сантиметр қилиб ўрнатилади.

Одатда, ғўзани узунасига культивация қилиш билан бир маҳалда озиқлантирилади. Бунинг учун культиваторнинг грядилларига юқорида айтиб ўтилган панжалардан ташқари биттадан ўғитлагич сошниги ўрнатилади. Культиватор ўғитлагич билан жиҳозланади.

Ўғитлагич сошниклари қаторларнинг ўқидан 15-18 сантиметр масофада ўрнатилади. Юриш чуқурлиги шундай созлансинки, ўғит 12-14 сантиметр чуқурликка тушсин. Охирги озиқлантириш пайтида ўғит акучник ёрдами билан қатор ораларининг ўртасига солинади.

Ўт жуда кўп босиб кетган далаларда пичоқлардан стрелкасимон панжалар билан мослаб фойдаланилади, тупроғи зичлашиб кетган участкаларда ва унча кўп ўт босмаган жойларда ерни юмшатадиган панжа (наральник)лардан ёки ернинг устки қатламини юмшатиш учун ККО иш органларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сув тараладиган эгатлар қатор ораларининг қоқ ўртасидан олинади. Бунинг учун акучниклар шаблонга караб жой-жойига қўйилади.

Ғўза узунасига культивация қилинганда тракторнинг тезлиги соатига 4 километрдан 5,5 километргача бўлади. Агар ерни юмшатадиган иш органлари ротацион иш органлари билан мослаб қўлланилса, дастлабки ишлаш пайтида культивациянинг тезлиги соатига 4-4,5 километр, ундан кейин 5,5-6 километр бўлади.

Ғўза сув ичгандан кейин ер етилиши билан тупроқни яхши юмшатиш керак. Шунинг учун ҳам суғориш билан ғўза қатор ораларини ишлаш ўртасида узилишга йўл қўйиб бўлмайди.

Экинни узунасига культивация қилиш пайтида ғўзанинг сийрак бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун шундай қилиш керакки, трактор сеялка юрган издан юрсин, ғўзани қўндалангига ишлаш пайтида эса дастлаб қўндалангига ишлаш пайтидаги излар бир-бирига мос тушсин.

Барча участкаларда чопиқ агрегатларининг бутун мавсум давомида кирадиган ва чиқадиган йўллари бўлсин.

Тракторчилардан культивациянинг сифати учун тўла жавобгарлик талаб қилиш зарур ва унинг ишини қабул қилиб олиш пайтида культивациянинг ўз вақтида, лозим бўлган кенглиқда ўтказилишига, қатор ораларида бегона ўтнинг бор-йўқлигига, тупроқнинг ҳаначалик майин юмшатилганлигига, тупларнинг саклаб қолинганлигига караб баҳо бериш керак.

Чопиқ агрегатларининг юқори унум билан ишлашини таъминлаш учун улларга техника хизмати кўрсатишни ҳар тарафлама яхши йўлга қўйиш, қисмларнинг синиб қолишига ва тракторнинг техника сабаби билан бекор туришига йўл қўймаслик керак. Тракторчиларнинг ишини икки сменада уюштириб, бир кеча-кундуздаги ёруғ пайтдан тўла фойдаланиш лозим. Иш вақтида тракторчиларни эгасизлантириб қўйишга йўл қўйиш мумкин эмас, уларга ғўзани парвариш қилиш учун участкалар доимий биркитиб қўйилсин.

Тракторчиларга яхши мақсий шароит яратиб бериш, уларни иссиқ овқат билан таъминлаш, дала шийпонларида механизаторларнинг дам олиши учун қулайлик туғдириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш керак.

ЭКИНЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОР БЕРИЛСИН

Ғўзани барвақт озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамай республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари бу ишни жуда кечга сурмоқдалар. Бу эса озиқлантиришнинг афзаллигини камайтириди ва ҳосилга жиддий зарар етказиши мумкин. Чунки ғўзани кеч озиқлантириш ҳосилнинг кеч етилишига ва пахта сифатининг пасайишига олиб келади.

Ғўзани дастлабки озиқлантиришни тезда тугаллаш учун барча чораларни кўриш ва ундан кейин озиқлантиришларни ҳам кучайтириш керак. Ғўзаси ривожланишдан орқада қолаётган участкаларни ва табиий офатдан зарар кўрган ерлардаги экинни озиқлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ғўзани неча бор озиқлантириш ва қанча ўғит солиш нормаси мавжуд ўғит запасига қараб белгиланади, токи июль ойининг ўрталаригача ҳамма ўғит ерга солиб бўлинсин.

Фосфорли ўғит йиллик нормасининг ярмидан кўпроғи то чигит экилгунча сарфланган бўлса, унинг колган кисмини ғўза гуллаш даврида иккинчи ёки учинчи озиқлантириш вақтида солинади. Агар фосфорли ўғит то экиш бошлангунча ерга солинмаган бўлса ғўзани биринчи озиқлантириш вақтида азотли ва фосфорли ўғит аралашмаси солинади. Фосфорли ўғитнинг колган кисми ғўза гуллаш даврида охирги озиқлантириш пайтида азот билан аралаштириб берилади.

Ғўзани охирги озиқлантириш пайтида азот ва фосфорнинг ўзаро нисбатини тўғри бўлишига риоя қилиш айниқса муҳимдир. Бу даврда ғўзани азотли ўғит билан ортиқча озиқлантириш экиннинг ғовлаб кетишига сабаб бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун кўпинча азотли ва фосфорли ўғит бирбирига тенг миқдорда аралаштириб солинади.

Калийли ўғит солиниб, юқори ҳосил олинаётган, лекин шўрҳок бўлмаган майдонларда бу ўғитдан ғўза гуллагунча фойдаланилади.

Илғор колхозларнинг ва совхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, чиритилган гўнгдан органик минерал ўғит аралашмаси сифатида фойдаланилиши минерал ўғитнинг таъсирини оширишга яхши ёрдам беради. Шунинг учун чиритилган гўнг запасидан озуқа сифатида фойдаланиш зарур.

Ғўза шоналаётган даврда қаторларнинг ёнидан 20-22 сантиметр ҳимоя зонаси билан озиқлантириш керак. Экин гуллаётган вақтда ўғит ҳар бир қатор орасининг ўртасига 4-5 сантиметр чуқурликда, сув тараладиган эгатнинг тагидан чуқурроқ қилиб солинади.

Агар битта даланинг ўзида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳар хил бўлса, кейинда қолаётган ғўзаларни ўша даладаги авжи яхши ғўзаларга тенглаштириб олиш учун қўшимча озиқлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ер ости суви яқин бўлган участкалардан ташқари бошқа жойларда ўғитни сув тараш олдидан солиш жуда муҳимдир.

Ўғитнинг текис тушишини таъминлаш учун уни яхши майдалаб солиш, агрономнинг кўрсатмасига биноан ўғитлагич аппаратларни нормага мувофиқ тўғри ўрнатиш лозим.

ҒЎЗАНИ КЕЧ СУҒОРИШ — ҲОСИЛГА ЗАРАР

Ғўзани ўсиш даврида кеч суғориш — кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг катта хатосидир. Ваҳолонки, бу йилги шароитда ғўзани ўз вақтида суғориш экиннинг ривожланишини тезлаштиришда ғоят катта роль ўйнайди.

Ўқариқлар ўртасидаги масофа ғўзани тўғри суғоришда муҳим шартлардан биридир. Ернинг тупроқ шароитига ва участканинг паст-баландлигига караб ўқариқларни бир-биридан 100-200 метр масофада олиш керак. Дала эгатнинг узунасига караб бир текисда намланиши жуда муҳимдир. Сув тараладиган эгатларни қатор ораларининг қоқ ўртасидан имкон борича чуқурроқ олиш керак.

Ғўзани суғоргачда сувни ҳар бир эгатдан бир меъёрда оқизиш, бунинг учун найсимон сифонлардан, чим ўрнида ишлатиладиган қоғоздардан ва бошқа нарсалардан фойдаланиш лозим. Найсимон сифонлар сувни эгатлардан яхши тараш имконини беради, эгатларни ювиб ва ғўзани босиб кетмайди. Бундан ташқари найга ўхшаш сифонлар сувчиларнинг меҳнат унумдорлигини анча оширишга ва ғўзани яхши суғоришга имкон беради.

Ҳар бир литр сувдан тежаб-тергаб, наф етказадиган қилиб фойдаланиш керак. Бунинг учун сувнинг оқавасини чиқариб юбормаслик зарур. Бунга аввало сувни эгатлардан жилдиратиб оқизиш туфайли эришилади.

Ғўзани суғориш муддатлари, нормаси ва сув тарашнинг қанча вақтга чўзилиши қатъий табақалаштирилган ҳолда ўсимликнинг ривожланишига ва ҳар бир алоҳида участканинг тупроқ шароитига қараб белгиланади.

Ғўза гуллагунча ҳаддан ташқари ортиқча суғориш зararлидир. Агар ғўза шундай суғорилса ғовлаб кетиб, тапаси ингичка, ёғадиган бўлиб колади ва калтабўғин бўлмайди. Ғовлаб кетиш эса ҳосил тугишига ҳалал етказади.

Ғўза гуллагунча ортиқча суғориш яна шунинг учун ҳам зararлики, сувхўр бўлиб қолган ғўза гуллаш — ҳосил тугиш даврида кўп сув талаб қилади. Бу масъулиятли даврда ғўза сал кечикиб сув ичса ҳам шона ва тугунчалари кўп тўкилиб кетади.

Ғўза гуллагунча ҳаддан ташқари кечикиб суғорилса экинга катта зарар етказади. Агар экин гуллагунча тупроқда нам етарли бўлмаса, ўсимлик озуқа моддаларидан яхши баҳраманд бўлолмайди, ғўзанинг пастки шохлари заиф бўлади, илдизи тупроқнинг чуқур қатламига кетиб қолади. Бундай ғўза кеч шоналайди ва гуллайди, кўсаги кам бўлади, кеч етилади. Бунинг оқибатида кўсакнинг анчагина қисми кўраклигича қолаверади.

Ер ости суви чуқур бўлган қора тупроқ ерларда ғўза гуллагунча экинни икки мартадан ортиқ суғормаслик керак. Бундай шароитда ғўза иккинчи марта дастлабки суғоришдан кейин 15-20 кун ўтгач тупроқнинг намлигига ва ўсимликнинг ривожланишига қараб суғорилади. Тошлоқ ёки қумлоқ енгил тупроқли участкаларда, шунингдек нишаб ерларда ғўза то гуллагунча 2-3 марта камайтирилган норма билан суғорилади.

Ер ости суви 1,5-2,5 метр чуқурликда бўлган захкашроқ қумоқ ерларда ғўза гуллагунча асосан бир марта суғорилади. Айрим ҳолларда суғориш муддатини ғўза бир текис гуллаганга қадар чўзиш мумкин. Ер ости сувлари жуда юза — 1,5 метр бўлган жойларда дастлабки суғоришни ғўза гуллагунча давом эттириш мумкин.

Шўрҳок ерларда сув тараладиган тупроқ кўпроқ намланиши, бинобарин барвақтроқ суғорилиши керак. Бу тадбир шўрни ювиб ташлаш мақсадида ўтказилади.

Эгат оралатиб суғоришнинг катта аҳамияти бор. Бу усулда суғориш ер ости сувлари яқин бўлган захкашроқ ерларда, шунингдек сувни тез шимадиган қора тупроқли, унча нишаб бўлмаган ерларда жуда фойда беради.

Тошлоқ, қумоқ, сув яхши сингмайдиган оғир тупроқли участкаларда, шўрҳок ва жуда нишаб ерларда сувни ҳар бир эгатдан тараш керак.

Ғўза гуллашидан тортиб то кўсаклагунча тез ўсади, ҳосил тўплайди. Илдиз системаси яхши ривожланади. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати жуда юқори бўлади. Ана шу даврда ғўзани тез-тез тўла норма билан суғориб, тупроқнинг бир метр чуқурлигигача намни сингдириш керак.

Ер ости суви бир метр чуқурликда бўлган қумоқроқ ерларда ғўзани 1-2 марта, ер ости суви 3 метргача чуқурликда бўлган ерларда 4-5 марта суғориш керак.

Енгил қумоқ ва қумоқ тупроқли, ер ости суви яқин бўлган тошлоқ ёки қумоқ ерларда, шунингдек жанубдаги энг иссиқ пахтакор районларда ғўзани тез-тез — 6 марта, ҳатто ундан ҳам кўпроқ суғориш лозим.

Яхлит участкаларни узунаси бўйлаб барча ўқариқлардан бир маҳалда суғориш керак. Суғоришни марказлаштирилган ҳолда ўтказиш зарур. Сувчиларнинг меҳнатини шундай ташкил этиш лозимки, бутун участкани узунаси бўйлаб суғориш бир маҳалда тўхтатилсин, бутун далага нам бир текис сингсин.

Суғоришнинг сифати ва оқар сувдан бир кеча-кундуз мобайнида тўла фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш керак.

Ҳар бир сувчи сувни сарфлаш кондасига, ундан тежаб-тергаб фойдаланишга қатъий риоя қилиши лозим. Сув — пахта, сув — ҳосил демакдир.

МАШИНА ТЕРИМИГА АЖРАТИЛГАН УЧАСТКАЛАР ҲАМИША НАЗОРАТ ОСТИДА БЎЛСИН

Республикадаги илғор хўжаликларнинг тажрибаси далаларни яхшилаб тайёрлаб қўйиш пахта териш агрегатларини муваффақиятли ишлатишнинг ҳал қилувчи шарти эканлигини кўрсатмоқда. Ғўза қаторларининг тўғри чизиқлилиги таъминланган, кўчат сийрак қолдирилмаган ва ғўза бир текис ривожланган, ўсимлик ётиб қолмай, серҳосил бўлган, барвақт етиладиган мўл ҳосил етиштирилган далаларда энг яхши натижаларга эришилади. Бундай далалар ғўзанинг бутун ўсиш, ривожланиш ва ҳосил тўплаш даврида тупроғи юмшоқ ва бегона ўтдан тоза тутилади. ғўза қатор ораларида кесак пайдо бўлишига йўл қўйилмайди, сув тараладиган эгатлар қатор ораларнинг қоқ ўртасидан олинади.

Пахтани агрегатлар билан териш юзасидан олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун машина теримига участкалар ажратишни тамомлаш ва ғўзанинг бутун ўсиш, ривожланиш ҳамда ҳосил тўплаш даврида шу ерларда машина теримига тайёргарлик кўриш лозим. Барча агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун ана шу участкаларга алоҳида эътибор берилсин.

ҲОСИЛНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН САҚЛАЙЛИК

Июнь ва июль ойида ғўзага шира, ўргимчаккана, кўсак қурти ва карадрин сингари зараркунандалар тушиши мумкин. Пахтакорларнинг вазифаси қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг бегона ўтлардан ғўзага ўтишига йўл қўймасликдан иборатдир. Бунинг учун даставвал ғўзанинг бутун ўсиш, ривожланиш ва ҳосил тўплаш даврида пахта майдонларинигина эмас, далаларнинг четларини, йўл ва ариқларнинг ёқаларини бегона ўтлардан тоза тутиш керак. Бегона ўтларни карболинеум ёки нитрафен пуркаш, қуйдириш, кетмон билан қириб ташлаш йўли билан тугатиш керак. Бегона ўтларнинг уруғ олишига зинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

Шу нарса одат тусига кириши керакки, бегона ўтлардан тозаланган дала, шунингдек, пайкал чеккалари ва суғориш шохобчаларининг ёқалари ҳам ўтдан бутунлай тозаланган тақдирдагина бегона ўт йўқотилди, деб ҳисобланади.

Ғўзага ўргимчаккана ва шира тушмаслиги учун экинларни метилмеркаптофос ёки метилсистоксом билан ўргимчаккана экинга ўтишидан 5-7 кун илгари дорилаш керак. Қандай қилиб, қанча доривор билан дорилаш эса мутахассис-энтомологларнинг кўргазмасига мувофиқ белгиланади.

Сурхондарё областининг жанубий районларида июнь ойининг бошида, бошқа районларда эса шундан сал кечроқ кўсак қурти дастлаб очиб чиқарган капалакларнинг учиши кутиладики, бу капалаклар ҳосилга катта зарар етказиши мумкин. Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд областларида ва Қорақалпоғистон АССРда карадрин пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Кўсак қуртига қарши курашда ғўзани дорилаш муддатлари ва сифатига қаттиқ риоя қилинган тақдирдагина яхши натижага эришиш мумкин. Шуни эсда тутиш керакки, ўтган йили Сурхондарё областидаги кўпгина хўжаликларда ғўзани ўз вақтида ва яхши дориламаслик оқибатида кўсак қурти ҳосилга катта зарар етказди.

Ғўзани ҳаммавақт синчиклаб текшириб бориш керак, токи уни ҳашаротга қарши вақтида дорилаш имкони бўлсин. Бу ишга ўз участкаларини яхши биладиган колхозчиларни, совхоз ишчиларини жалб қилиш керак. Агрономлар ва бригадирлар бу ишга бошчилик қилишлари, ҳар бир пахтакорга зараркунанда тушган майдонларни дарров аниқлаш ва ғўзани ҳашаротга қарши заҳарли дориларни билан ўз вақтида дорилашни ўргатишлари керак.

Агар ғўза карадринга қарши биринчи марта комплекс дорилангандан кейин яна зararланганлиги аниқланса, экинни ДДТ дусти ёки гексохлоран билан то ҳашарот тўла қириб юборилгунча такрор дорилаш керак.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда сал бўлса ҳам кечикишга йўл қўйиб бўлмайди. Барча далаларда ва барча экинзорларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ўт очилмоғи керак. Қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашувчи самолёт, трактор, отга кўпиладиган ва қўл аппаратураларининг ишини алоҳида назорат қилишлари, уларнинг бекор туришига йўл қўймасдан яхши ишлашига эришишлари керак.

ДАЛА ИШЛАРИ СИФАТЛИ БАЖАРИЛСИН

Бир қатор колхозлар, совхозлар ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари дала ишларининг боришини яхши назорат қилиб турмайдилар, ишнинг сифатли бажарилиши учун курашмайдилар.

Совхоз директорлари, колхоз раислари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари, агроном ва инженерлар орасида агротехника талабларининг бузилишига қарши курашмаётган, миқдор кўрсаткичлари билангина кифояланиб колаётган кишилар ҳам бор.

Кўпинча қилинадиган ишларнинг тартиби ва изчиллиги бузилади. Айрим ҳолларда, бегона ўти қўлда ўтоқ қилинган далалар культивация қилинади. Ваҳолонки, ўша дала билан ёнма-ён турган ўт жуда кўп босиб кетган участкалар эса культивация қилинмай туриб, ғўза қатор оралари қўлда ишланади. Ғўзани ўсимликнинг аҳволини ҳисобга олмасдан туриб бундай парвариш қилиш ўсимликнинг секин ривожланишига сабаб бўлади.

Бўка, Сирдарё, Денов, Норпой, Шовот, Киров, Тўртқўл ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларда кўпчилик трактор культиваторларидан агротехника талабларига хилоф равишда фойдаланилмоқда. Шунинг оқибатида тупроқ яхши юмшатилмайди, бегона ўтлар илдизи билан йўқотилмаётир.

Культиваторларга ўтмас, нобоп, эскириб кетган иш органлари ўрнатилади. Культивациянинг тегишли даражада кенглиги ва чуқурлиги кўзда тутилмасдан туриб созланади. Тупроқ жуда зичланиб қолганлигига қарамасдан кўпгина культиваторларга ротацион иш органлари ўрнатилмайди ёки нотўғри ўрнатилади. Культиваторларга ротацион иш органларини тўғри ўрнатмай туриб, ғўзанинг бўғзига яқин жойдаги тупроқни юмшатиб бўлмайди.

Бир қанча хўжаликларда кўпгина тракторлардан ёмон фойдаланиш одат тусига кириб қолган. Бундай хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари шунга ўхшаш ҳодисаларга муроса қилиб келадилар ва яроқсиз ишга ҳақ тўлаб, бракчиларга ён босадилар.

Ғўза қатор ораларини ишлаш, суғориш ва экинни озиқлантириш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш бошқармаларининг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг 1963 йил 7 майда «1963 йилги қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олиш учун дала ишлари сифатини кескин даражада ошириш тадбирлари тўғрисида» чиқарган 226-сонли буйруғида ишлаб чиқилган тавсияларга караб иш тутишлари керак. Бунинг учун ҳар бир колхоз ва совхозда ғўзани парвариш қилиш юзасидан иш сифатига нисбатан қўйиладиган шартлар ва агротехника талаблари белгилаб чиқилиши ва муҳокама қилиниши керак. Агротехника талаблари сал бузилган тақдирда ҳам бундай иш брак қилиниши ва қайта бажарилиши, бунга кетган харажатлар эса айбдорлардан ундириб олиниши лозим.

Ҳар бир колхозда ва совхозда дала ишларининг сифати устидан назоратни кучайтириш учун жамоат контролёрлари группаси тузилиши керак. Бу группага энг тажрибали пахтакорлар, партия ва комсомол, совхозларда эса касаба союз активи ҳам кириши лозим.

Бригадаларда, бўлимларда, колхоз правленияларида, совхозларнинг ишлаб чиқариш кенгашларида ва ишлаб чиқариш бошқармаларида дала ишларининг сифати масалаларини ҳар беш кунда муҳокама қилиб туриш ва бу ишда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш учун амалий чоралар кўриш керак.

Мамлакат Ўзбекистон меҳнаткашларидан пахта етиштириш юзасидан олган мажбуриятларининг бажарилишини кутяпти. Қишлоқ хўжалик йилининг ҳозирги энг масъулиятли даврида ҳосилнинг тақдири дала ишларининг сифати қандай бўлишига тамомила боғлиқдир.

Машҳур украиналик колхозчи Н. Г. Загладанинг ҳар бир деҳқоннинг шон-шарафи тўғрисида, ор-номуси тўғрисида чуқур фикр қилиб, халқ донишмандлиги билан тўлиб-тошган қуйидаги сўзларини эслайлик. «Эндиликда, — деган эди у, — меҳнат қилмасдан, виждонан ишламасдан туриб, партия белгилаган режаларга эришишимиз мумкин эмаслигини ҳаммамиз ҳис қилишимиз керак».

Мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш, бу йил давлатга 3 миллион 566 минг тонна пахта етказиб бериш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилайлик!

Бу тадбирлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги томонидан республика қишлоқ хўжалик олимлари ва мутахассисларининг иштирокида тузиб чиқилган.

Бизак Аҳмедов—машҳур механизатор Валентин Тюпконинг издоши. У Янгийўл бошқармасидаги Киров номли колхознинг 4- бригадасида ишлаб, ғўза қатор ораларини культивация қилиш нормаларини ошириб бажармоқда. Суратда: (чапда) Бизак АҲМЕДОВ. Ўнгдаги суратда Наманган бошқармасидаги «Намуна» колхозининг тажрибали сувчиси Одилбой ота ТУХТАБОЕВни кўриб турибсиз. У ғўзаларни қондириб суғормоқда.

К. Розиков (ЎзТАГ фотохроникаси) ва М. Иброҳимов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ

(Боши иккинчи бетда).

Хотин-қизлар совети ўз теварагида актив қизларнинг катта армиясини уюштирди. Студент қизлар учун совет кишисининг маънавий гўзаллиги, инсон меҳнатда синалади, совет хотин-қизлари — тинчлик учун курашчилар, ўз вақтингни беҳуда ўтказма, деган темаларда ва бошқа кўпгина темаларда лекциялар ва суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

Область ва республиканинг донгдор хотин-қизлари билан, машҳур адибалар, меҳнат қаҳрамонлари, тажрибали педагоглар билан учрашувлар ўтказиш ҳам традиция бўлиб қолди. Хотин-қизлар советининг аъзолари ҳар бир студент қиз билан алоҳида иш олиб бормоқдалар. уларнинг қалбига йўл топа билмоқдалар, студентқизларнинг ҳамма эҳтиёжлари ва талабларини эътибор билан ўрганиб, бу талабларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам қизларимиз билимни эгаллабгина қолмасдан, актив жамоатчи бўлиб ҳам етишмоқдалар. Улар жамоат топшириғи сифатида маҳалларда, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда лекциялар ўқимоқдалар, оилавий, адабий кечалар ўтказмоқдалар.

Нотиқ ўз сўзининг охирида ўзи ёзган ва Совет Ўзбекистони хотин-қизларига бағишланган «Она» шеърини ўқиб берди.

Литва делегациясининг бошлиғи — савдо ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси **Г. П. Петрукайтене** съезд қатнашчиларига қарата нутқ сўзлайди.

Азиз дугоналар, деди у, ёш Совет Литваси хотин-қизларининг номидан ва уларнинг топшириғига биноан, сизларга оташин салом топиришга ҳамда серқуёш республикангизнинг экономикаси, фани, маданиятини ривожлантиришда янгидан-янги ажойиб муваффақиятлар, шунингдек шахсий ҳаётингизда бахт-саодат тилашга рухсат этғайсиз.

Ўзбек халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида КПСС XXII съезди тарихий қарорларини бажаришда, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашда эришган муваффақиятлари — ҳаммамизни жуда хурсанд қилмоқда. Бу курашга Ўзбекистонинг шонли меҳнаткаш хотин-қизлари, Совет ҳокимияти йилларида социалистик жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлган ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда актив қатнашаётган хотин-қизлар ўз катта ҳиссаларини қўшдилар.

Нотиқ ўз республикасининг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда Литва халқи, Литва хотин-қизлари эришган муваффақиятлар ҳақида гапириб бериб, бундай деди:

— Серқуёш Ўзбекистонга биринчи гал келишим, Лекин шунга ишонингки, дўстлар, мени бу ерда сизларнинг қуёшингизгина эмас, балки сизларнинг муваффақиятларингиз, улуғ ишларингиз, коммунизм қуриш ишидаги катта ғалабаларингиз қувонтирди. Менга Литва халқи номидан сизларга кичик бир совға — Совет Литваси хотин-қизларининг образини акс эттирган совғани топширишга рухсат этғайсиз. Литва хотин-қизлари ҳам сизлар сингари ўзининг бутун кучғайратини Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун сарфламоқда, сизлар билан биргаликда бутун дунёда тинчлик учун, мамлакатимизда коммунизм қурилиши учун кураш олиб бормоқда.

Латвия ССР социал таъминот министри **В. С. Пихелс** Латвия Компартияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топширигига биноан, шу республиканинг барча меҳнаткашлари номидан съездга оташин коммунистик саломи билан мурожаат қилади. Биз бугун тўла асос билан айта оламизки, деб таъкидлайди нотиқ. Латвия хотин-қизлари билан Ўзбекистон хотин-қизлари ўзларининг бутун кучларини, ўз қалбларининг бутун ҳароратини умумий улуғ ишимизга, коммунизм қурилишига сарфлаётган туғишган опа-сингилларидир.

Сизлар КПСС XXII съезди қарорларини бажаришга нақадар катта ҳисса қўшганлигингизни биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўрток Раҳимбобоева докладидан билиб олдик. Ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиманки, латиш халқининг шонли қизлари ҳам партиянинг улуғвор режаларини бажариш учун шараф билан меҳнат қилмоқдалар. Урушдан кейинги йилларда республикамизда эришилган ҳамма муваффақиятлар латиш хотин-қизларининг актив иштироки билан қўлга киритилганлиги қалбимизни ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

Ўтган йили, дейди Булунгур ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Жомбой» совхози бўлимининг бошқарувчиси **М. Ниёзова**, мен КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига жавобан қолоқ бўлимга ишга ўтган эдим. Бу ерда гектар ҳосилига фақат ўн олти ярим центнердан пахта етиштирилар, давлат планлари бажарилмас эди.

Бу йил биз пахта далалари ҳосилдорлигини бир йўла олти центнер оширишга қарор қилдик. Чигит яхши муддатларда экилди ва текис ундириб олинди.

Ишлаб чиқариш бошқармамизнинг меҳнаткаш хотин-қизлари пилладан мўл ҳосил олишга эришдилар. Давлат топшириғи ундан бир ҳисса ошириб бажарилди. Ўтган йили бизнинг бўлимимизда уч марта қурт боқилганида ҳам, план бажарилмай қолган эди. Бу йил эса кўкламги қурт боқишнинг ўзидан план қарийб бир ярим баравар ошириб бажарилди.

Нотиқ хотин-қизларни раҳбарлик ишига кўтариш масаласида етарли даражада дадиллик кўрсатмаётган ишлаб чиқариш бошқармасини ва область ташкилотларини танқид қилади.

Пирик панелли уй қуриш комбинатининг технолог инженери **К. Бектурганова** қардош Қирғизистон хотин-қизлари номидан съездга табрик топширади. Мендан олдин, дейди у, серқуёш Ўзбекистон хотин-қизларига жуда кўп табрик сўзлари иҳзор қилинди, мен эса серқуёш Қирғизистон хотин-қизлари номидан сизларни табриклайман. «Серқуёш» деган ажойиб сўз совет Шарқи хотин-қизларининг бахтиёр, қувноқ, ижодий меҳнат билан ўтаётган ҳаётининг ифодаси бўлиб қолди. Улуғ Ленин, Коммунистик партия мамлакатимиз хотин-қизларини бахт-саодат йўлига олиб чиқдилар.

Ҳозир халқ хўжалигининг бирон бир тармоғи йўқки, унда хотин-қизлар ишламаётган бўлсин.

Ҳозир республикамиз меҳнаткашлари катта ва қувончли байрам — Қирғизистон ихтиёрий суратда Россияга қўшилган кунининг юз йиллик юбилейини ўтказишга тайёрланмоқдалар. Биз бу байрамни барча халқларнинг байрами деб ҳисоблаймиз, чунки бизнинг республикамизда 40 дан ортиқ миллат ва элат фарзандлари ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар, Қирғизистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эса, кўп миллатли Совет Иттифоқининг барча халқлари, айниқса улуғ рус халқи жуда катта ёрдам кўрсатди.

Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **М. Каримова** Душанба тўқувчилари, Норак гидроиншоот қурувчилари, Вахш ва Ҳисор пахтакорлари, Ленинобод боғдорлари, Помир чорвадорлари, Тожикистон республикасининг барча хотин-қизларидан съезд катнашчиларига қалб саломини топширади.

КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари, съезд қабул қилган партиянинг янги Программаси ҳаммамизни руҳлантирмоқда, дейди нотиқ. Коммунистик қурилишда Ўзбекистонлик дугоналаримиз катта муваффақиятларга эришаётганлигидан чексиз қувонмоқдамиз. Турсуной Охунова, Люба Лининг меҳнатда кўрсатган жасорати билан, эри билан биргаликда катта ва аҳил кўп миллатли оилани вужудга келтирган оддий ўзбек аёли Баҳрихон Акрамованинг ажойиб ташаббуси билан фахрланамиз.

Нотиқ етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшаётган Тожикистон хотин-қизларининг ажойиб ватанпарварлик ишлари тўғрисида гапиради. Ўзбекистон ва Тожикистон хотин-қизлари, дейди у, кўп миллатли Совет Ватанимиздаги барча хотин-қизлар сингари мустаҳкам қардошларча дўстлик алоқалари билан боғлангандирлар.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси сессиясининг Москвада Жаҳон хотин-қизлар конгрессини чакириш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаб резолюция қабул қилиш ҳақида таклиф тушади. Съезд бу резолюцияни бир овоздан қабул қилади.

Улуғ коммунистик қурилиш чироқлари порлаган мамлакатимиз аяғжонли кунларини бошидан кечирмоқда, дейди ўз нутқида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Абдуллаева**. Бизнинг мамлакатимиз улуғ ва бепоён, лекин қаерга кўз ташламанг ҳамма жойда эркаклар билан ёнма-ён туриб, озод ва бахтиёр хотин-қизларнинг меҳнат қилаётганини кўрасиз.

Ўзбекистон комсомоли қиз-жувонлар ўртасида ғоявий-тарбиявий иш олиб боришга катта эътибор бермоқда. Жумладан, кейинги вақтда қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш иши яхшиланди. Қиз-жувонларни ижтимоий, сиёсий, маданий ва хўжалик ҳаётига тортиш, уларнинг ишлаб чиқаришда актив ишлашлари, ўқишлари, ихтисос олишлари учун шарт-шароит вужудга келтириш комсомол ташкилотларининг асосий ишидир. Шу мақсадда комсомол комитетлари коммунистик тарбия беришнинг қиз-жувонлар клуби, хотин-қизлар учун маданият университети сингари таъсирчан форма ва методларидан кенгроқ фойдалана бошладилар. Бироқ, қиз-жувонлар ўртасида олиб борилаётган ишларда камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Комсомол комитетлари ўтмиш сарқитларига қарши етарли суратда актив курашмаётирлар, қиз-жувонларни раҳбарлик ишларига сусткашлик билан кўтармоқдалар.

Турсуной Охунованинг номи республикадан бошқа жойларда ҳам машҳур бўлиб кетди. Мингминглаб қиз-жувонлар унга эргашиб, «зангори кема»ларни бошқара бошлади. Лекин бизнингча, қиз-жувонлар орасидан механик-ҳайдовчилар тайёрлашни анча яхши ташкил этиш керак эди. Бизда ишлаб чиқариш таълими жорий этилган кўпгина мактаблар бор, бу мактабларда ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилган тақдирда жуда кўп малакали механик-ҳайдовчилар тайёрлаш мумкин. Аммо, мактабларда қизлар нуқул тикувчилик билан, ўғил болалар эса, нуқул механизация билан шуғулланаётганлигини кўрсатувчи фактлар ҳали ҳам бор.

1961 йилда Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ва Қозоғистоннинг жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида ўқувчилар бригадасининг бошлиғи Дилбар Юсупова мана шу минбарда туриб, айтган гаплари эсингизда бўлса керак. У: биз ишлаб чиқариш таълими дарсларида тикувчилик билан шуғулланишни истамаймиз, бизга механизмларни бошқаришни ўрганиб олиш керак, деган эди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев шу кенгашда сўзга чиқиб, унинг фикрини қувватлаган эди. Қишлоқ хўжалигида хотин-қизларни қўл меҳнатидан батамом халос қилмоқ учун биз мактаблардаги ишлаб чиқариш таълими имкониятларининг ҳаммасидан фойдаланишимиз, қизларимизни барча механизмларни бошқаришга ўргатишимиз керак.

Бизнингча, колхозлардаги болалар яслилари ва боғчалари учун кадрлар тайёрлаш масаласини ҳам ҳал қилиш лозим.

Ўртоқ Абдуллаева оила ва мактабда болаларни тарбиялаш, ёшлар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши курашиш масалалари устида батафсил тўхталади.

Арманистон Касаба союзлари советининг секретари **О. О. Дзвакерян** Арманистон ССР меҳнаткаш хотин-қизлари номидан Ўзбекистон хотин-қизларига оташин салом топиради. У Ленининг улуғ васиятлари муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлиги туфайли, Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати туфайли ўзбек хотин-қизлари тақдирида рўй берган ажойиб ўзгаришлар тўғрисида тўлқинланиб гапиради. Арманистон хотин-қизлари ўзларининг ўзбекистонлик опа-сингиллари саноат ва қишлоқ хўжалигида эркаклар билан бир қаторда баланд руҳ билан меҳнат қилаётганликларидан, КПСС XXII съездининг улуғвор режаларини муваффақиятли суратда амалга ошириш учун бошланган курашда ўзлари қўшаётган ҳиссани кўпайтираётганликларидан хурсанддирлар.

Арманистон хотин-қизлари делегациясининг бошлиғи съезд президиумига эсдалик совғалари топширади.

Марш садолари остида залга Совет Армиясининг жангчилари кириб келадилар. Ҳарбий Кенгаш ва Туркистон ҳарбий округининг барча жангчилари номидан офицер **Н. С. Злобин**нинг делегатларга қарата айтилган табрик сўзлари тантанали жаранглайди.

Ашхобод тўқув фабрикасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **И. Овезова** минбарга чиқади. И. Овезова съезд делегатларига ва Ўзбекистоннинг барча хотин-қизларига туркманларнинг қизғин ва самимий саломини топширади. Биз қардош Ўзбекистон хотин-қизларининг , ўзбек халқининг ҳар бир ютуғидан фахрланамиз ва қувонамиз, дейди у. Сизнинг шонли ишларингизни кузатиб бормоқдамиз, сизнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги илғор тажрибангизни оммалаштирмоқдамиз ва жорий қилмоқдамиз.

Совет Туркманистони хотин-қизларининг ҳаёти бекиёс ўзгариб кетди. Ҳуқуқсизликдан озилган ва хор-зорликда ҳаёт кечириб келган туркман аёллари Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида социалистик жамиятнинг теғ ҳуқуқли аъзоси, коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб қолди. Халқ хўжалигида, маданият ва санъатни ривожлантиришда уларнинг роли беқиёс ўсди.

Ўрток Овезова Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг съезд номига йўллаган табригини ўқиб эшиттиради Табрикда Совет Ўзбекистонининг ҳамма хотин-қизларига, барча меҳнаткашларига мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғ программасини амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашида янги янада катта муваффақиятларга эришиш истаги билдирилади.

Сўнгра, Эстония Компартияси Марказий Комитети, Эстония ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Совет Эстониясининг ҳамма хотин-қизлари ва бутун эстон халқи номидан Эстония ССР социал таъминот министри **Э. Ю. Виск** съездга шимолий, аммо энг алангали, энг қизғин дўстлик саломи топширади

Бугун, дейди у, Ўзбекистон хотин-қизлари коммунистик қурилишнинг турли участкаларидаги ўз ишларига якун ясаш, ҳали ҳам бўлса янги уруш бошлаб юборишга уринаётганларга қарши яна бир марта ўзларининг қатъий сўзларини айтиш учун ўз съездларига тўпландилар.

Сизнинг интилишларингизга, сизнинг орзуларингизга ҳамда жонажон партия ва Совет ҳукуматига йўллаган миннатдорлик сўзларингизга эстон хотин-қизларининг овозини ҳам кўшишга ижозат бергайсиз Эстония хотин-қизлари йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери ўзларининг эркин бахтиёр ҳаётларини курмоқдалар Биз барча совет халклари билан бирга кўлинкўлга бериб, бахтли келажагимиз — коммунизм сари бормоқдамиз.

Азиз опа-сингиллар, сизларга кичик бир совга топширишга рухсат этгайсиз. Қадимий Таллин деворларининг тасвири ҳамиша икки кардош халқ ўртасидаги улуғ дўстликнинг символи бўлсин. Ана шу қадимий деворлар эстон халқи, шу жумладан эстон хотин-қизлари ҳам Болтик денгизининг тинчлик денгизи бўлиши учун, бу денгизда ҳарбий кемалар эмас, балки тинч савдо флотининг кемалари, сузувчи дам олиш уйлари катнаб туриши учун ҳамма чорани кўришларини сизга эслатиб турсин.

Хотин-қизларнинг ўзгор ишларини енгиллаштириш, совет кишиларининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш билан боғлиқ вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши савдо ходимларининг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ Республика савдо министрининг ўринбосари **Т. А. Тохирова** съезд минбаридан туриб, ана шулар ҳақида гапирди.

Кейинги вақтда Ўзбекистонда аҳолига озиқ-овқат ва саноат товарлари хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштиладиган машина ва приборлар сотиш кескин суратда кўпайди, магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналари кўпайди.

Меҳнаткашларнинг магазинлардан зарур нарсаларни сотиб олиш, ошхоналарда овқатланиш учун энг кам вақт сарфлашлари максадида кўп иш килинмоқда Саноат корхоналари ва ўқув юртлари хузуридаги ҳамма ошхоналар ўз-ўзига хизмат килишга, 117 та корхона ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг энг прогрессив формасига — танлаб олинган овқатлар учун кейинчалик ҳақ тўлаш формасига кўчирилди

Савдо министрлиги ва унинг жойлардаги органлари ҳозир савдо системасини виждонсиз кишилардан кисқа муддат ичида тозалаш, ҳар хил мутаҳам ва юлгичларнинг савдо системасига кириб олишига сира йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўрмоқда. Савдо ходимлари товар оборотини тоборо кўпайтириш, аҳолиннг ўсиб бораётган эҳтиёжларини яхшироқ ва тўлароқ қондиришни ўзларининг биринчи навбатдаги вазифаси деб биладилар.

Шуни эътироф этиш керакки, савдо соҳасидаги раҳбарлик ишларига хотин-қизлар ҳали ҳам жуда кам кўтарилмоқда. Бу ҳол кўпгина савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг раҳбарлари хўжалик қурилишида хотин-қизларнинг ролига ҳали етарли баҳо бермаётганлигини кўрсатади.

Савдо министрлиги яқин вақт ичида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига хотин-қизларни мумкин қадар кўпроқ жалб этишни, уларни раҳбарлик вазифаларига дадил кўтаришни, хотин-қиз кадрларни коммунизм қурувчиси аҳлоқ кодексининг юксак талаблари руҳида тарбиялаш ишларини кучайтиришни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

Ўзбек хотин-қизлари орасидан механизаторлар тобора кўпроқ етишиб чиқмоқда. Пахтачиликда механизаторларнинг роли келажакда яна ҳам ортади, деб сўзини бошлайди Шовот ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтакор» колхозидан комплекс механизация бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Совети депутати **О. Жуманиёзова.**

Қолоқ бригадага ишга ўтган Турсуной Охунованинг намунаси илғор бригада бошлиғини гоят тўлқинлантирди. Нотиқ хўжаликдаги энг қолоқ бригадани олиш иштиёқи ўзида ҳам туғилганлиги ҳақида гапиради. У ўз тилагини амалга оширди.

У бош бўлган коллектив йигирма гектарли қўриқ массивни ўзлаштирди, шу туфайли пахта майдонини кенгайтирди. «Оқ олтин» ҳосилдорлигини ҳам кескин суратда ошириб, ҳар гектардан қирқ центнергача пахта олиш мўлжалланди. Кўкламнинг ноқулай келиши натижасида вужудга келган ҳамма қийинчиликларга қарамай, бу юксак маррага эришилади.

Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун! Узглавбит корхоналарининг ходимлари ана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар, дейди Узглавбит бошлиғи **В. Ф. Барабаш**. Маиший хизмат ходимлари маиший шароитнинг яхши йўлга қўйилиши, хизмат кўрсатишда юксак маданият, меҳнаткашларнинг маиший эҳтиёжларини тўла қондириш хотин-қизларнинг меҳнат унумдорлигини янада оширишга, мамлакатнинг моддий ва меҳнат ресурсларидан рационалроқ фойдаланишга ёрдам беришини яхши биладилар.

Кейинги йилларда партия ва ҳукумат томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида Ўзбекистон ахолисига маиший хизмат кўрсатиш анча яхшиланди.

Ҳозир маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг коллективлари йириклаштириш ва ихтисослаштириш, ателье ва устахоналардаги ишларни механизациялаш, хизмат кўрсатишнинг янги хилларини жорий қилиш йўлини тутмоқдалар. Тошкентда, Андижонда, Самарқандда, Фарғонада, Ўрганчда ва бошқа шаҳарларда ихтисослаштирилган фабрикалар ва мастерскойлар барпо этиш йўлида анча ишлар қилинмоқда. Нотиқ ана шу ишлар ҳақида батафсил гапириб беради.

Тошкентда ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган аҳолига хизмат кўрсатиш бюролари меҳнаткашларга жуда маъқул бўлди.

Қалқ ўртасида Улуғ Октябрь хотин-қизларнинг кўзини очди, қалбини очди, деган гап бор. Бу гап жуда тўғри, деб таъкидлайди ўз сўзида Самарқанд қишлоқ область партия комитетининг секретари **М. Ҳасанова.** Биз ўз тақдиримизга, ўзимизнинг озод ва қувноқ ҳаётимизга ўзимиз ҳўжайин бўлиб қолдик. Биз ер юзида энг илғор, энг яхши, энг адолатли жамият қуришда актив қатнашаётганлигимиз билан бахтиёрмиз.

Самарқанд области колхоз ва совхозларининг хотин-қизлари етти йиллик бешинчи йилининг топширигларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли давлатга пилла сотиш юзасидан юксак мажбурият шараф билан адо этилди. Хотинлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Х. Имомова ва Р. Исломова раҳбарлик қилаётган хўжаликларнинг коллективлари айниқса ўрнак кўрсатдилар.

Лекин, хотин-қизлар орасида тарбиявий ишларнинг савияси КПСС XXII съезди томонидан қўйилган юксак талабларга ҳали жавоб бермайди. Хотин-қизлар орасида мароқли лекция ва суҳбатлар кам ўтказилмоқда. Хотин-қизларга нисбатан феодал-бойларча муносабатда бўлиш фактларига ҳали хотима берилгани йўқ. Қишлоқ область партия ташкилоти бу камчиликларни узил-кесил тугатиш учун ҳамма чорани кўрмоқда.

Раислик қилувчи Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарондаги ва Тошкент областининг бошқа шаҳарларидаги саноат корхоналаридан бир группа коммунистик меҳнат бригадалари бошлиқлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари съездни табриклаш учун келганлигини эълон қилади. Саҳнага чиққан келажак разведкачиларини залдагилар давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

«Чирчиксельмаш» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи **Г. А. Зайцева** минбарга чиқади.

Тошкент области саноат корхоналарининг ходимлари, дейди нотиқ, коммунистик меҳнат учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашмоқдалар. Ҳозироқ бизда коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олган 2.250 бригада, цех ва участка бор. Бу ҳаракатга кун сайин мингларча илғор ишчилар қўшилмоқдалар. Бу эса, азиз дугоналар, — севикли Ватанимиз шон-шарафи учун, коммунизм тантанаси учун янги меҳнат зафарларига тайёр турган гоят катта армиядир.

Коммунистик меҳнат ҳаракатининг қатнашчилари, сизларни, қадрли дугоналар, ишонтириб айтадиларки; улар ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажарадилар.

Ёш шоира, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети редактори **Н. Холхўжаева** ҳаяжонли нутқ сўзлади. У, кекса авлод хотин-қизларига мурожаат қилиб, бундай деди:

— Она муҳаббатининг чеки йўқ. Бу муҳаббат кучидан, ҳатто ўлим ҳам чекинади. Қуёш ўз қарорати билан дунёдаги ҳамма жонли нарсаларга ҳаёт бағишлагандек, она муҳаббати бизларнинг қалбларимизга меҳр бағишлайди. Она бизларга юрак берди, бу юракка ўз муҳаббатини сингдирди. Шунинг учун ҳам она меҳри доимо қалбимизда яшайди.

Ўзбекистон ССР маориф министрининг биринчи ўринбосари **К. И. Улаева** совет педагогининг юксак вазифаси ҳақида, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда мактабларнинг катта роли ҳақида гапиради.

Республика маорифи меҳнаткашларининг кўп минг кишилик армияси партиянинг доно кўрсатмаларини амалга ошира бориб, ўз фаолиятини узлуксиз такомиллаштирмоқда, ёшларни мустаҳкам билим билан қуроллантиришга, уларни ғояий жиҳатдан яхши чиниқтиришга, уларни коммунизм қурилишида актив қатнашиш учун тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар. Мактаблардаги энг яхши ўқитувчилар ва педагогика коллективларининг тажрибаси шундан далолат берадики, биз ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасида КПСС Программаси кўйган вазифаларни янада тезроқ ҳал этиш учун битмас-туганмас резервларга эгамиз.

Бизда синфда қолаётганлар ҳали кўп, қизларнинг мактабдан кетиб қолиш ҳоллари учрамоқда. Баъзи жойларда номуносиб педагоглар учраб турибди. Ана шу ва бошқа камчиликларни тезроқ бартараф этиш; мактаблар ишини янада юксак даражага кўтариш зарур.

Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, СССР Олий Советининг депутати **Э. Аҳмадалиева** ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик меҳнаткаш хотин-қизларининг катта муваффақиятлари ҳақида гапириб берди.

Ўтган йили бу ерда 26 центнердан «оқ олтин» ҳосили олинди, давлатга гўшт, тухум, пилла сотиш плани ошириб бажарилди. Қорияхон Парпиева ва Турғуной Аҳмедова звенолари айниқса яхши меҳнат қилдилар.

Колхозчилар етти йилликнинг бешинчи йилини янада катта муваффақиятлар билан нишонлашга аҳд қилдилар.

Ҳозир ғўза ривожини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Табиий офат оқибатлари муваффақиятли бартараф этилди.

Қишлоқ хўжалик артелининг посёлкасида хотин-қизлар учун кўпгина қулайликлар тугдирилган. Ясли, касалхона ва туғруқхона қурилди. Ҳамма уйлар электрлаштирилган ва радиолаштирилган.

«Работница» журналининг редколлегияси съездга юборган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилади. Шунингдек, саноат корхоналари, колхоз ва совхоз коллективлари эришган меҳнат зафарлари ҳақидаги кўпдан-кўп телеграммалар, мактабларнинг педагогик коллективларидан, хотин-қизлар советларидан ва бошқа ташкилотлардан келган табрикномалар ўқиб эшиттирилади.

«Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси **Н. И. Супотницкий** ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлайди: Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ турмушини яхшилаш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш масалаларига жуда катта эътибор бериб келмоқдалар. Республика матлубот кооперацияси хотин-қизларни унумсиз меҳнатдан, айниқса овқат пишириш, нон ёпиш сингари жуда оғир меҳнатдан холос қилиш юзасидан кейинги йилларда анчагина ишларни қилди ва уларни бошқа кўпгина юмушлардан озод қилди.

Ҳозирги вақтда умумий овқатланиш колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ интеллигенцияси ва уларнинг оила аъзолари турмушида тобора мустаҳкам ўрин олмоқда. Ҳозир матлубот жамияти йўли билан қишлоқларда тўрт ярим мингдан кўпроқ ошхона, ресторан ва чойхоналар ишлаб турибди.

Қишлоқлардаги меҳнаткаш аёлларга яхши хизмат кўрсатишнинг бошқа кўпгина мисолларини келтириш мумкин. Лекин биз меҳнаткаш аёллар олдида ҳали қарздормиз. Кўпгина магазин ва ошхоналарнинг иш савияси аҳолининг талабларига жавоб бермайди, савдонинг прогрессив формалари суст жорий этилмоқда, хизмат кўрсатиш маданияти паст, харидор ҳамиша ўзига керакли товарларни танлаб олаётир, деб бўлмайди. Нотиқ «Ўзбекбирлашув» фаолиятидаги мана шу камчиликларни ва бошқа бир қанча нуқсонларни тезроқ тузатиш учун кўрилаётган тадбирларни съезд қатнашчиларига гапириб берди.

Орол денгизи Ўзбекистоннинг энг ажойиб дурдоналаридан биридир. Орол балиқчилари йиллик программани муддатидан бир ой илгари бажаришга аҳд қилган Узоқ Шарқ балиқчиларининг ташаббусига фидокорона меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Улар: биронта ҳам қолоқ корхона, кема, бригада бўлмасин, деган шиор билан ишламоқдалар, дейди Мўйноқ консерва заводи касаба союз комитетининг раиси **М. Нурхўжаева.**

Бизда ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида руслар ва ўзбеклар, украинлар ва татарлар, бошқа кўпгина миллатларнинг вакиллари қардошларча ҳамкорликда меҳнат қилмоқдалар.

Ўртоқ Нурхўжаева нутқидан сўнг музокаралар тамом бўлди.

Андижон области саноат зонасининг хотин-қизлари бахмалга меҳнаткашларнинг улуғ доҳийси ва устози Владимир Ильич Ленин портретини зар билан ишлаб, съездга армуғон қилганликлари тўғрисидаги хабар қарсаклар билан қутиб олинди.

Съезд Ўзбекистон ССРнинг барча хотин-қизларига мурожаатни бир овоздан қабул қилади.

Гоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўрток Н. С. Хрушчев номига табрик мактуби қабул қилинади.

Съезднинг якунловчи мажлисида раислик қилувчи Е. С. Насриддинова съезд иши тамом бўлди, деб эълон қилади. У, съезд ғоявий ва сиёсий жиҳатдан юксак даражада, зўр ишчанлик ва гоят яқдиллик вазиятида ўтди, СССР халқлари дўстлигининг улуғворлигини, республика хотин-қизлари, барча меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партия ва унинг содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети теварагида монолит бўлиб жипслашганлигини яна бир марта намойиш қилди, деб таъкидлади.

Е. С. Насриддинова съездни ёпа туриб, унинг барча қатнашчиларига ва уларнинг онла аъзоларига сиҳат-саломатлик, ҳаётда янгиданянги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

БАХТИЁРЛАР АНЖУМАНИ

(Хотин-қизлар съезди залидан)

Ҳа, бахтиёрлар, бахти кулган қиз-жувонлар анжумани. Нақадар гўзал, латофатли улар. Улар гўзалгина эмас, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратувчилар, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозларда ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан шуҳрат ва гўзаллик касб этган аёллар — оналар, опа-сингилларимиз. Улар ноз-неъматлар яратувчи, улкан машина ижодкорлари, ёш авлод тарбиячилари, шифокорлар, фазо лочинларини тарбиялаган ва уларга қанот берган оналар, қақроқ чўлларга ҳаёт бахш этган чўлқуварлар, киши руҳининг инженерлари.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳар бири ҳақида ўлмас достонлар, гўзал лавҳалар, шеърлар ёзиш мумкин. Чунки, улар меҳнат ва тинчлик бўстонининг турфа гулларидир. Уларнинг орзулари улуғвор, қўшиқлари ҳур, сийналари ижодкорлик ишқи билан тўла.

Ўтмишда ҳуқуқсиз, чексиз жафо кўрган мазлумлар бугун бахт иқболидан, улкан меҳнат зафарлари ҳақида, коммунизмнинг муҳташам биносини қуриш ишига муносиб ҳисса қўшишдек шарафли вазифалар тўғрисида ўртоқлашмоқдалар.

Алишер Навоий номли театр биноси одатдагидан гавжум. Танаффус. Театр фойеларида бахтиёр қиз-жувонларнинг қувноқ қаҳқаҳалари янграйди. Зумрад далаларда пўлат аргумоқларни бошқарган қизлар санъат ўчоғида «Танавор», «Роҳат» рақсини қойилатмоқдалар. Қизларнинг рақсига созандалар, хонандалар жўр бўлишади.

Ҳаёт тожидорисиз, азиз аёллар,
Сиз-ла даврон гўзал, гўзал
аёллар,
Ватан баҳор бўлса, гуллари —
сизсиз,
Сиз-ла умр ширин, лазиз
аёллар!

Санъаткор бўлишни орзу қилгани учун эри томонидан пичоқланган Шаҳрихон, ўз акаси қўлида қонига беланган Нурхон, Турсунойлар ҳозир бўлсайди.., Улар эриша олмаган орзуга уларнинг авлоди, бизнинг давр қизлари эришди. Уларнинг орзуси бизнинг булбулларимиз, бахт қуйчилари — Ҳалимахон, Саодатхон, Назирахон, Коммунахон, Фарогатхонлар таронасида янграмоқда.

Ҳур севги, озод ҳаётни орзу қилгани учун ўша замонда хўрланган шоиралар Робия, Нодира, Увайсий, Зебинисолар қалами Зулфия, Музайяналар қўлида бахт иқболидан ғазаллар битмоқда.

Ўйин-кулги давом этади. Бахтиёрлар даврасида ўз шарафли меҳнати билан жаҳонга довруқ таратган Турсуной Охунова, «дала маликаси»нинг онахони Люба Ли, илғор пахтакор Анорқулова, сут булоғини қайнатган Роза Квон, механик-ҳайдовчи М. Жумабоева, самарқандлик колхоз раиси Хонбуви Имомова, чўлқувар М. Назарова, фарзанд меҳри билан тўлиб тошган мўътабар она Баҳрихон Шомаҳмудова, қардош Туркманистон, Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Озарбайжон, Латвия, Литва, Тожикистон, Молдавия, Белоруссия ва Ватанимизнинг пойтахти — Москва, қаҳрамон шаҳар — Ленинграддан келган азиз меҳмонлар бор.

Ўйин-кулгилардан сўнг дўстлар ўзаро кизғин суҳбатлашиб кетадилар. Ашхобод йигирув-тўқув фабрикасининг илғор тўқувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энахон Авезова ўзбекистонлик дугоналарига ўз иш тажрибалари ҳақида сў